

Муаллим —
миллатнинг юзи,
Ватан
истиқболнинг асл
бунёдкоридир.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 2-aprel, chorshanba № 27 (8676)

Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi — 2014

МУАЛЛИМЛАРНИНГ МАҲОРАТ ВА МАЛАКАСИ билим ва тажриба тарозисида ўлчанди

Билим, маҳорат ва тажрибалар баҳс-мунозара, кўрик-танлов ва мусобақаларда бойиб, мукаммаллашиб, оммавийлашиб боради. Юртимизнинг энг илғор ўқитувчиларига ўз иқтидорларини юзага чиқариш имкониятини берадиган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2014" кўрик-танловининг республика босқичи ҳам қизгин кечмоқда. Шохсупага қадар диёримизнинг турли ҳудудларидан голиб бўлиб келган мураббийлар анчагина тер тўкишларига тўғри келди.

Айниқса, инглиз ва француз тилидан ўқитувчиларнинг дўстона рақобати янада қизгин, интерфаол ва янги педагогик тажрибаларга бой ҳолда ўтди. Уларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, юртимизнинг олис тоғли ҳудудидан дунёнинг энг ривожланган шаҳрига олиб бориб қўйсангиз ҳам, заррача иккиланмаслигига, шошиб қолмаслигига амин бўласиз. Бинобарин, Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан сўнг улар зиммасидаги масъулият янада ортган.

(Давоми 3-бетда.)



Баҳор турфа ўзгаришлар — яшариб-яинаш, гуллаш ай-ёми. Шу билан бирга, ўзгаришлар кўнглида эртанги куннинг ёрқин муждаси бор ҳар бир инсон қалбида ҳам акс этади. Айниқса, спортга чанқоқ ёшларимиз баҳорда ҳар қачонгидан ҳам фаоллашади, ғайрати ичига сиғмайди.

Бу йил Наманган шаҳрида ўтадиган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг финал босқичига йўл олган ёшларимиз жиддий тайёргарлик кўришмоқда. Жамоавий спорт турлари бўйича эса ҳудудий саралаш босқичларида республика босқичи иштирокчилари номи аниқланмоқда.

ФИНАЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ АНИҚЛАНМОҚДА

Чиндан ҳам, «Баркамол авлод» спорт ўйинлари спортчи-ёшларнинг ҳақиқий маҳорати ва интилишларини намойиш этишда муҳим роль ўйнайди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб

келинаётган бу мусобақа мамлакатимиз терма жамоалари учун кўплаб иқтидор соҳибларини кашф этиб бермоқда. Бу «Баркамол авлод» мусобақаларига бўлган қизиқиш ва масъулиятни янада оширади.

(Давоми 15-бетда.)

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Андижон давлат университетида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, вилоят ҳокимлиги, ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази ҳамкорлигида VII инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасининг ҳудудий тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимотда Ўзбекистон Фанлар академияси тасарруфидаги илмий тадқиқот институтлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таъ-

лим муассасаларининг 200га яқин инновацион ишланмалари тақдим қилинди.

(Давоми 2-бетда.)

ДАВЛАТ ДАСТУРИ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

уни чуқур англаган ёшлар жараёнда барча қатори фаол иштирокчига айланади

«Соғлом бола йили» давлат дастурида қўйилган вазифалар биз ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юкламоқда. Дарс жараёни бўладими, синфдан ташқари тарбиявий соат ўтказиладими, давлат томонидан яратилаётган шарт-шароитлар ёшларнинг пухта билим эгаллаши, ўзини ҳар жиҳатдан ривожлантириши учун катта имконият эканини ўқирамиз.

5-бет

ЗАМОНАВИЙ ЛАБОРАТОРИЯ

кенг қамровли изланишларга йўл очаяпти

Жорий йилда эса лабораторияда давлат гранти асосида 20та, умумий қиймати 590 миллион сўмлик илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, Навоий кон-металлургия комбинати билан хўжалик шартномалари асосида 390 миллион сўмлик илмий тадқиқот ишлари-ни бажариш кўзда тутилган.

7-бет

БОЛАНГИЗ РАСМ ЧИЗАЯПТИ!

Унга қондай кўмак бериш мумкин?

Фарзандингиз расм чизаяпти. Кувонинг! Чунки бу унинг ўйлаётгани, фикрлаётганидан далолат. У фикрини тасвирий санъат во-ситасида намойиш қилаяпти. Бу бола шахси шаклланиши босқичида ўта муҳим дидактик жараён. У расм чизиш машғулотларига ҳам-ханг тарзда гапириш(аниқроғи, мантикий гап тузиш), санаш, шеър айтиш, қуйлаш, ким-ларгадир таклидан "роль ижро этиш", раск-га тушишни уддаласа, икки ҳисса қувониш-га арзийди.

11-, 16-бетлар

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламент комиссияси аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, ННТ ассоциациялари ва бирлашмалари раҳбарлари иштирок этди.

ПОЙИҲАЛАР ИЖРОСИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Йиғилишда парламент комиссияси томонидан фуқаролик жамияти институтларининг ташаббуслари, уларга ажратилган давлат субсидияси, ижтимоий буюртмаси ва грант орқали 30дан ортиқ умумийлик, давлат ва ҳудудий дастурларда белгиланган долзарб вазифаларни амалга оширишдаги иштироки фаол қўллаб-қувватланаётгани таъкидланди.

— Давлат гранти, субсидия ва ижтимоий буюртмалари доирасида ўтган йилда етти миллиард сўмга яқин маблағ учинчи секторнинг турли йўналишдаги 278та лойиҳасини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди, — дейди фонд директори Абдужалил Тураев.

— Мазкур лойиҳалар ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини, тиббий, экологик, ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳудудларни ободонлаштириш, халқлараро тотувлик ва бағрикенглик, шу билан бирга, ОАВнинг давлат органлари билан ўзвий ҳамкорликда фаолият юритишга қаратилган.

Йиғилишда давлат гранти лойиҳаларини амалга ошириш, маблағларнинг мақсадли сарфланишини мониторинг қилишни ташкил этиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тақдимот маросимида вилоятнинг инновацион салоҳиятини ошириш ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда ҳудудий корхоналарнинг янги технологиялар ва ишланмаларга эҳтиёжи мавзусида фикр алмашилди. Кишлоқ ҳўжалиги, саноат, қурилиш, энергетика, фан ва таълим, тадбиркорликнинг турли йўналишларига доир ишланмалар намойиш этилди. Пахтачилик, галлачилик соҳалари учун янги самарали технологиялар, тиббий дори-дармонлар, маиший ва озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш жараёнларига қўмқлашувчи манбалар, электр қуввати ва сув таъминоти, минерал ўғитлар, зараркундаларга қарши кураш воситаларига доир янги ишлан-

малар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— Шўр ерларда тупроқ унумдорлигини ошириш, бунинг учун тежамкор технологияларни қўллашга ҳизмат қиладиган 8та янги иштиқболли ишланмамиз билан иштирок этаямиз, — дейди Ўзбекистон Миллий университети қошидаги «Агроэкобиотехнология» илмий маркази раҳбари, профессор Лазиза Фафурова. — Шўр тупроқли майдонлардаги ғўза, буғдой, сабзавот экинларига янги биологик ўғит тавсия этилмоқда. Ундан қурғоқчилик шароитида ҳам фойдаланиш мумкин. Мазкур ишланма ер унумдорлигини ошириш билан бирга экинларнинг касалликларга чидамлилигини ҳам оширади.

Андижон давлат университетининг «Экспериментал

биология ва экология» лабораторияси томонидан тақлиф этилган «Топинамбур ўсимлигининг «Файз-барака» ва «Муъжиза» навларини вилоят шароитида етиштириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш» лойиҳаси ҳам диққатга сазовор бўлди. Қўёш батареялари, электр жиҳозлари, янги техника воситаларининг ишланмалари ҳам қатнашчиларни эътиборсиз қолдирмади. Ярмаркада қўллаб-қувватлашга шартномаларга асос солинди.

Инновацион жараёнларга ёш олимлар, иқтидорли талабалар ҳамда ёш тадбиркорларни жалб этишни рағбатлантириш хусусида иштиқболли тақлифлар билдирилди.

Орифжон СИДДИКОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ҚИЗИҚАРЛИ ВА ФОЙДАЛИ

Республика болалар кутубхонасида халқ таълими тизимидаги маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул ходимлар учун республика семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Тадбирда мустақил фикрлайдиган, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қарайдиган, ёт гоёларга қарши туришга қодир ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган қатор масалалар бўйича фикр-мулоҳаза билдирилди.

— Таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини янада ошириш, илгор иш тажрибаларини оммалаштириш ва ўғил-қизлар маънавий дунёқарашини бойитиш зарур, — дейди Халқ таълими вазирлигининг маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бошлиғи Жамолдин Камолов. — Пойтахтимиздаги 144-, 64-умумтаълим мактабларида илмий-амалий кўргазма ташкил этилиб, мутахассисларга зарурий маълумотлар берилди. Маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул ходимлар учун АКТ асосида кўргазмали дарс ишланмалари ва замонавий таълим беришнинг янги усуллари намойиш этилди.

Хасан МҲМИНОВ



Бошланғич таълим ўқувчи билимига қўйиладиган пой-деворга қиёсланади. Дарҳақиқат, бу даврда бола нафақат ўқиш-ёзишнинг илк кўникмаларини ўрганади, балки тафаккури, дунёқарashi ҳам шаклланади. Шу боис тажрибали бошланғич синф ўқитувчиси ушбу паллада ота-она билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратади.

Фаргона шаҳридаги 12-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Зоҳидаҳон Тошматова бу борада илгор тажрибага эга устозлардан. Ота-оналар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган устоз ҳар бир машғулотида болаларга ўқиш ва ёзишни ўргатиш баробарида, катталарга ҳурмат, кичикларга izzat, меҳр-оқибат, ота-она ҳамда дўстлиқни қадрлаш сингари олийжаноб фазилатлардан ҳам сабоқ бериб келмоқда.

— Мазкур синф ўқувчиларининг анчагина пешқадамлиги ҳозирданок сезилиб туради. Умид қиламизки, келажакда улар орасидан мактабимиз фаҳрига айланадиган инсонлар етишиб чиқади, — дейди мактаб директори Гулшаной Мелибоева.

Суратда: тажрибали педагог З.Тошматова шогирдлари билан.

Шамсиддин ҚОРАБОЕВ олган сурат.

Наврўз байрами Мирзо Улуғбек туманидаги «Баҳор» маҳалласида ҳам кенг нишонланди, сумалар, палов тайёрла-ниб, тўкин дастурхон атрофида бутун маҳалла ахли дийдорлашди.

«БАҲОР»ДА НИШОНЛАНГАН БАЙРАМ

«Соғлом бола йили» муносабати билан Наврўз кунлари 3 нафар кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оила фарзандларининг суннат тўйи ўтказилиб, тўйболаларга велосипедлар тўёна қилинди.

— Маҳалла жамоаси нафақат байрамларда, балки йил давомида ҳам бу каби хайрли ишларни амалга ошириб келади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Акмалхўжа Саидхмедов. — Бундан ташқари, 81 нафар ногирон ва бемор қариялар ҳамда уруш фаҳрийларига «Муруват пакетлари» тарқатилиб, 22та оила нурунийлари ҳолидан хабар олинди.

Маҳалла ҳудудидаги ТАТУ қошидаги академик лицей, геодезия-картография коллежи, 49-умумтаълим мактаби ўқувчилари, Мирзо Улуғбек тумани «Баркамол авлод» марказида ташкил этилган болалар ансамбли аъзолари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар турли миллат вакиллари билан иборат маҳалла ахлини хушнуд этди.

Махбуба КАРИМОВА

ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ ЖУРНАЛИСТИ

Diqqat: tanlov!

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида жимонан соғлом, маънавий етук, дунёқарashi теран ва мустақил фикрлайдиган баркамол авлод этиб тарбиялаш, ёшларда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, халқимиз менталитетига ёт бўлган турли иллатларга қарши курашни кўникмаларини шакллантириш, ёш журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» республика танловини ўтказди.

Танловда мамлакат оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ҳамда тахририятлар билан яқин ҳамкорлик қилаётган 30 ёшгача бўлган журналистлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларда Президентимиз раҳнамо-

лигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, ёшларни Ватанимиз, халқимиз, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш масалалари, давлатимиз томонидан ёшлар учун яратиб берилган имкониятлар, шарт-шароитлар кенг очиб берилган бўлиши даркор.

Танловга тақдим этиладиган материаллар 2014 йилнинг 1 ноябригача «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши (Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 11-уй)да қабул қилинади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- муаллифнинг паспорт нусхаси;
- тахририят ёки ўқув юртидан берилган тавсиянома;
- 4х6 ҳажмдаги 2 донна фотосурат;
- муаллифнинг боғланиш телефонлари.

Танлов ғолиблари махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Танлов ғолибларига муқофотлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллик байрами арафасида топширилади.

Мурожаат учун телефонлар: 170-90-27, 241-00-50

2014-yil 2-aprel, № 27 (8676)



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Халқ таълими вазирилик тасарруфидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ўтказилган кўрик-танловда дастлаб ўқитувчилар ўзлари дарс берадиган мактаб ва синфда тайёрлаб келган видеодарсларини ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола қилдилар (эътибор қилинг, бу тур кўрик-танловга киритилган жорий йилдаги янгиликлардан бири). 2-тур мавзуси эса иштирокчиларга номаълум эди. Бироқ бу шарт улардаги бор билим, маҳорат ва тажрибани рўй-

рига асосан ўтишини таъминлаш мақсадида зарур чора-тадбирлар кўрилган. Барча хоналар керакли жиҳозлар билан таъминланиб, ҳакамлар ҳайъати таркибини шакллантиришга алоҳи-

си Ширин Ниязметовага насиб этгани маълум бўлди. Қувонарлиси, уларнинг тўплаган баллари ўтган йилги натижадан юқори. Инглиз тилидан «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2013» кўрик-танловининг 1-ўрин совриндори 85 балл тўплаган бўлса, жорий йилги ғолиб 88 балл жамғарган. Француз тилидан ўтган йилги ғолиб 84 балл, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2014» кўрик-танловининг 1-ўрин соҳибаси эса 93 балл тўплашга муваффақ бўлди.

Филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида она тили ва адабиёт, бошланғич таълим ҳамда биология йўналишлари бўйича 42 нафар педагог куч синашди.

МУАЛЛИМЛАРНИНГ МАҲОРАТ ВА МАЛАКАСИ

билим ва тажриба тарозисидида ўлчанди



рост намойён қиларди. 2 соат мобайнида компьютерда дарс ишланмиси ёзиб беришлари керак. Унда дарснинг мақсадию мавзуга ёндашув методикасини ҳам назардан четда қолдирмасликлари лозим.

— Бу йилги танлов шартларига янгиликлардан бири сифатида 3-тур киритилди. Унга кўра иштирокчилар «Таълим сифатини оширишда амалга оширмоқчи бўлган ишларим» мавзусида тақдимот қилиб бердилар. Жараёнда бир-бирларининг тажрибалари, ташаббуслари ва режалари билан танишиб олдилар. Айрим мактабларда фақат хорижий тилда сўзлашладиган ҳудудлар бор экан. Мухими, уларни бирлаштириб турган битта ғоя бор — Hard work brings success! (машаққатли меҳнат муваффақият келтиради), — дейди Республика таълим марказининг бўлим бошлиғи Ўғилйўл Юсупова.

Таъкидлаш керакки, кўрик-танловнинг адолатли, ҳаққоний ва низоом таабла-

да эътибор қаратилган. Улар сафига кўрик-танловнинг ўтган йиллардаги ғолиблари, олий ўқув юртининг малакали мутахассислари жалб этилган. Уларнинг эътирофича, иштирокчиларнинг АКТдан фойдаланишдаги маҳорати анчагина ошган. Слайдда тақдимот ўтказишми, компьютерда дарс ишланмиси ёзишми, бемалол амалга оширяптилар.

Биринчи куни 40 ва ундан юқори балл тўплаган иштирокчилар иккинчи босқичга ўтди. Бу шартга кўра улар нотаниш жой ва синфда 45 минутлик дарс ўтиб беришди. Дарс якунланганидан сўнг ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўқитувчига ҳолис баҳони бериш мақсадида ўқувчилардан мавзу юзасидан тест олинди. Ана шундай чиғириклардан муваффақият билан ўтган ўқитувчи «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2014» кўрик-танловининг республика босқичи ғолибига айланган. Унинг кимлиги эса ҳамма учун қизиқ, чунки ҳар бир иштирокчининг юрагида ғолибликка даъво бор!

Нихоят, галвир сувдан кўтарилганда инглиз тилидан 1-ўрин Наманган шаҳридаги 6-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқитувчиси Гулшан Маҳмудовага, француз тилидан эса Чилонзор туманидаги 162-мактаб ўқитувчи-

Она тили ва адабиёт бўйича Кўқон шаҳридаги 40-ИДУМ ўқитувчиси Муборак Қўшақова, биология бўйича Хива туманидаги 56-ИДУМ ўқитувчиси Шарипбой Худойберганов ҳамда бошланғич таълим йўналиши бўйича Кўқон шаҳридаги 32-ИДУМ ўқитувчиси Ёқутхон Исломуҳжаева 1-ўринни қўлга киритди.

— Алоҳида эътироф этиш жоиз, мазкур танловда ёш педагогларнинг иштироки йилдан йилга ортиб бормоқда, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси Машрабхон Умарова. — Жорий йилда ҳам ёш ўқитувчилар сони кўпайиб, улар ғолиблар сафидан ўрин олди. Хусусан, танлов шартларига ўзгаришлар киритилиб, «Таълим сифатини оширишда амалга оширмоқчи бўлган ишларим» тақдимоти педагоглар учун янгилик бўлди. Бунга кўра, белгиланган 7 дақиқали регламентдан унумли фойдаланган иштирокчилар педагогик маҳоратини намойиш этиб, 15 балл билан баҳоланди. Шунингдек, қатнашчиларнинг ўтган йилларга нисбатан бу йил дарсларни замонавий технологиялар, АКТдан фойдаланиш ташкил этиши юқори балл билан баҳоланди.

Кўрик-танловда бошланғич таълим йўналиши бўйича ғолиб бўлган Кўқон шаҳридаги 32-ИДУМ ўқитувчиси Ёқутхон Исломуҳжаеванинг 4-турда нотаниш синфда нотаниш мавзу бўйича замонавий педагогик технология ва методларни қўллаган ҳолда ўтган дарси 45,4 балл билан баҳоланди. Шунингдек, бу иштирокчида ўқитувчига хос муомала маданияти, ўқувчи-

ларнинг ёш, психологик хусусиятларини ҳисобга олиши, қўллаган технология ва методларининг янгилиги бошқа қатнашчиларга нисбатан юқорилиги билан фарқланди.

— 2-синфда «Таркибли масалалар» мавзусидаги дарсда ўқувчининг дарсга қизиқишини ошириш учун мультимедиа воситаларини қўлладим, — дейди у. — Бунда ўзбек халқ мультфильм қахрамонларига овоз бериб, улардан ўғил-қизларни рағбатлантиришда фойдаландим. «Баракалла», «Яшанг», «Офарин», «Тасанно» сўзлари ўқувчилар руҳиятини кўтариб, уларнинг дарсда фаол иштирокини таъминлади. Шунингдек, масалаларнинг мультимедиа ёрдамида намойиш этилиши, анимациялашти-

фициентининг кўтарилгани, Power Point ва Word дастурларида ишлаш қобилиятининг ошгани, адабий тил меъёрларига амал қилиш, фанга оид меъёрий ҳужжатлардан унумли фойдаланиш яққол сезилди.

— Давлат ва ҳуқуқ асослари фанидан ғолиб деб топилган қатнашчининг ҳуқуқий маданиятининг юқорилиги, дарс ишланмасининг ҳар томонлама мукамал тузилгани, энг муҳими, баҳолашда ўзига хос методдан, яъни ўқувчини исм-фамилияси билан эмас, тартиб рақами асосида балл йиғиш орқали рағбатлантириши, вақтнинг тежаллиши ҳамда боланинг диққатини жамлашга қаратилган турли ўйинлар орқали дарсда жимликнинг сақланишига эришиши эътиборига молик, — дея ҳакамлар ҳайъати раиси Хусниддин Тожибоев фикр билдирган бўлса, география фанидан ҳайъат раиси Турсунбой Исамухаммедова эса ёш иштирокчилар фаолиятида методик жиҳатдан оқсаш сезилгани, ҳар бир мактабда ёш ўқитувчилар учун тажрибали педагоглар томонидан алоҳида маҳорат дарслари ташкил этилиши ке-

рилган лавҳалар, «Жавобим ўзим билан», «Бу мен» дидактик ўйинлари, кўзгазмали восита ва карточкалардан унумли фойдалангани юқори балл билан баҳоланди. Ушбу танловда 89,80 балл билан ғолиб деб топилишим зиммамдаги масъулиятни янада оширди.

Аниқ фанларга

ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида педагоглар жисмоний тарбия, география, давлат ва ҳуқуқ асослари бўйича ўзаро куч синашди. Кўрик-танлов натижасига кўра, Ҳамза туманидаги 69-мактаб ўқитувчиси Нодиржон Ҳайитов (давлат ва ҳуқуқ асослари), Фарғона шаҳридаги 20-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Турсунбой Комилова (география), Яққасарой туманидаги 48-мактаб ўқитувчиси Жаҳонгир Жиналиев (жисмоний тарбия) йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси дея эътироф этилди.

— Фарғона вилоятидан иштирок этган ҳамкасбимнинг электрон дарс ишланмасида фойдаланилган замонавий педтехнологиялар, хусусан, ўқувчи интернетдан фойдаланаётганда ёт унурларга чалғишининг олдини олиш учун қўллаган усуллари ўрганишга, омаллаштиришга арзигулик тажриба, — дейди Навоий вилояти вакили Носир Йийдиев.

Бу йилги танлов иштирокчиларида техник воситалардан фойдаланиш коэф-

раклигини таъкидлади.

Жараёнда иштирок этар эканимиз, педагогларнинг шижоат, қатъият, тажриба, ўрганиш ва ўргата олиш ҳамда ёш авлодди тўғри йўналтириш каби жиҳатларига гувоҳ бўлдик. Шунингдек, Мирзо Улугбек туманидаги 112-мактабда немис тили ва ўзбек тилидан, республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейида мусиқа ва меҳнат таълими фанидан, профили меҳнатга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида иқтисодий билим асослари ҳамда тасвирий санъат ва чизмачилик фанларидан «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2014» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Бу ҳақдаги тафсилотлар билан газетамизнинг навбатдаги сониди танишасиз.

Азиз НОРКУЛОВ,
Гулюз ОРИФЖОНОВА,
Маҳбуба КАРИМОВА,
«Ma'rifat» муҳбирлари
Бурҳон РИЗОКУЛОВ ва
Владимир ГРАНКИН
олган суратлар.

Yangiliklarda yurt nafasi



Андижон шаҳрида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида дўстлик фестивали бўлиб ўтди.

«Соғлом бола йили» муносабати билан ташкил этилган тadbирда мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларининг эмин-эркин яшаши, ўқиши, меҳнат қилиши, ўз миллий маданияти, тили ва урф-одатларини ривожлантириши учун зарур шароитлар яратилгани таъкидланди.

Фестиваль доирасида мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлараро аҳиллик, турли миллат вакиллари билан барчамиз учун ягона Ватан — Ўзбекистон тараққиётига қўшаётган ҳиссаси акс этган тасвирий санъат асарлари, миллий таомлар, либослар, хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмалари ташкил этилди.

Миллий марказлар қошида ташкил этилган халқ ансамбллари, хаваскорлик ансамбллари ва бадий жамоаларнинг чиқишлари барчага манзур бўлди.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Мухаммад Юсуф ижодида ватанпарварлик гоёлари» мавзусида он-лайн мулоқот ўтказилди.

Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф ёрқин истеъдоди, бетакор асарлари, ибратли ижтимоий фаолияти билан адабиётимиз раънақига катта ҳисса қўшди.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида ўтказилаётган «Қамолот»да меҳмонда» лойиҳаси доирасидаги он-лайн мулоқотда бу жиҳатлар алоҳида қайд этилди.

Он-лайн мулоқотда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи, хорижда таҳсил олаётган, www.kamolot.uz веб-сайтида рўйхатдан ўтган 5 мингга яқин ўғил-қиз, веб-сайтнинг доимий ўқувчилари, адабиёт ихлосмандлари ўз савол ва мулоҳазалари билан иштирок этди.

Бухорода одам савдосига қарши курашиш бора-сида амалга оширилаётган ишлар ва ушбу йўналишдаги муҳим вазифалар муҳокамасига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ташкил этилган тadbирда мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш борасида олаб борилаётган ишларни ташкиллаштиришнинг асосий йўналишлари, ушбу жиноятга қарши курашиш доирасида қонунчилик ижросини таъминлашда прокурор назорати, давлат ва жамоат ташкилотлари, жумладан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий бўлимларининг ҳамкорлигини янада ошириш зарурлиги таъкидланди.

Семинарда ҳам одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг 2013-2014 йилларга мўлжалланган тadbirlar режаси ижросини таъминлаш, одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят ҳудудий идоралараро комиссияси фаолияти, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги, тарғибот-ташвиқот ишларида йўл қўйилаётган камчиликлар муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан вазифалар белгиланди.

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юртида Марказий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмлар аскарларининг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

— Ҳарбийликка бўлган қизиқиш йигитлик бурчимни адо этишга ундади, — дейди оддий аскар Уролбек Муродалиев. — Ҳизмат давомида она Ватаним оқлидаги қасамёдимга содиқ қолиб, билдирилган ишончини оқлайман. Сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга, юртимиз фаровонлигини сақлашга бор куч-ғайратим, билимимни аямайман.

Тadbирда иштирок этган ота-оналарнинг қай бири билан суҳбатлашманг, фарзандини ҳарбий либосда кўриб, фахрланганини таъкидлайди.

— Муддатли ҳарбий хизматини шараф билан адо этишга бел боғлаган юртимизнинг мард ва жасур ўғлонлари сафида ўғлим ҳам борлигидан фахрланаман, — дейди тошкентлик Феруза Солиева. — Сардорбек ҳарбийликка ҳавас билан улғайди. Бугун ўғлим ҳарбий либосда. Энг муҳими, ҳарбий хизматдан кейин шу соҳада ишлашни ният қилмоқда. Фарзандимни мана шундай шарафли ва масъулиятли касбни танлаётганидан гурурланаман.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Имтиёзли кредитлар — ёшларга

Диёра Ақромова — коллеж ўқувчиси. У келажакда тadbirkorлик фаолияти билан шугулланишни ният қилган. Бунинг учун қандай иш бошлаш, қай тартибда кредит олиш, бизнес гоёсини қандай ишлаб чиқиш, экспорт салоҳиятини ошириш учун қандай маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарурлигини билмасди.

Ўзбекистон банклари ассоциациясида «Ёш тadbirkorларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш» мавзусида ўтказилган учрашувда қўллаб саволларига жавоб олди.

— Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси фаолияти билан танишдим, — дейди у. — Жамғарма томонидан ташқи ва ички бозор ўрганилиб, маркетинг тadbirlari натижасида маълум

маълумотлар турларига талаб борлиги ҳақидаги маълумотлар www.nbu-export.uz сайтига жойлаштирилган экан. Бу маълумотлар тadbirkor бўлишни ният қилган ёки шу йўналишда фаолият олиб бораётганлар учун фойдалди.

Тadbирда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес гоёларини молиялаштириш орқали уларни тadbirkorликка жалб қилиш мақсадида дастлабки сармояни шакллантиришга бериладиган микрокредитларнинг таъминоти сифатида жисмоний шахслар кафиллигини қабул қилиш амалиёти кенгайтирилгани ҳам таъкидланди.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Соғлом турмуш тарғиботи

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида экология ва саломатлик мавзусига бағишлаб қатор маънавий-маърифий тadbirlar ўтказилди. Уларда соғлом турмуш тарзи тарғиб этилиб, гиёҳвандлик, ОИВ/ОИТС, диний экстремизм каби иллатларнинг жамият тараққиёти, соғлом авлод генофондига салбий таъсири ҳақида сўз юритилди.

«Миллий қадриятлар — миллий раънақ», «Ёшлар ва халқро ҳуқуқий меъёрлар», «Талаба-ёшларнинг маънавий, ҳуқуқий, сиёсий ва эстетик қарашларини шакллантиришда оиланинг ўрни» мавзуларидаги давра суҳбатларида мута-

хассислар иштирок этиб, ҳаётий фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Маънавий юксалишга, иллатлардан холи ҳаёт кечирishга ундовчи тadbirlar ёшлар ҳаётида муҳим ўрин тутади, — дейди институтнинг

маънавий-ахлоқий ишлар бўйича проректори Б.Зокиров. — Бунда айтилган фикрлар, маслаҳат ва тавсиялар талабаларга доим асқотади. Зеро, иш жараёнида, ўқишда, каярда бўлмасин, вақт ва макондан қатъи назар, маънавият инсон доим муваффақият қозонади.

Тadbирлар сўнггида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Хайриддин МУРОД

Аёлларни улуғлаган шоир

Оташқалб шоир Мухаммад Юсуф Ўзбекистонимизнинг юксак пардаларда қўйлади. Унинг Ватан ҳақидаги ҳар бир шеърида Она сиймоси балкиб туради. Ўзбек аёлларининг ҳаёси, андишалилиги фаросати, фарзанди бахти учун ҳар ишга қодир оналар, суюкли ёр ва жондан ширин қизалоқлар...

Шоир шеърларида акс этган аёлларнинг ҳар бири ҳаёт йўлларида толанган, ўз садоқати ва меҳнатсеварлиги билан фарзанди ҳамда оиласи учун борини аямайдиган нозик ҳилқат сифатида намойён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитасида «Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф ижодида аёл сиймоси: шоирга ҳамина-фаслика!» мавзусида тadbир ўтказилди. Андижон

вилояти ҳокимлиги, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тadbирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, адабий жамоатчилик вакиллари, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари, иқтидорли ёшлар иштирок этди.

Сўзга чиққан адиб ва шоирлар, шоирнинг ақлилари, оила аъзолари, санъаткорлар Мухаммад Юсуф ижодида аёл мавзусининг ранг-баранглиги ҳусусида тўхталиб ўтдилар. Зулфия-хоним издошларининг аёл зотиға бағишланган шеърларидан иборат мушоира, шоир шеърлари билан айтилган дилрабо қўшиқлар даврга ўзгача файз бағишлади.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Китобим — офтобим

Сергели туманидаги 304-умумий ўрта таълим мактабида «Китобим — офтобим!» мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тadbир ўзига хос байрамга айланиб кетди.

— Болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадиға қаратилган тadbirimizга ота-оналарни ҳам жалб этдик, — дейди мактаб директори-нинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ойбек Нуриллаев. — Уларга оилавий китобхонликини ривожлантиришнинг аҳамиятини атрофича тушунтирдик. Китоб офтоб

мисол зиё таратиши, китобхонлик фарзандларимизнинг дунёқарашини бойитиши, иқтидорини янада юксалтириш, ўзига ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилишини алоҳида таъкидладик.

Ўғил-қизлар китоб байрамига пухта ҳозирлик қилишди, буклет, альбомлар тайёрлашда иштирок этди. Шеър, эртак ва ҳикоялар

ёд олиб, деворий газеталар чиқаришди. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчилари ўртасида китоб ва китобхонлик ҳақида ёзма иш юқори синфларда «Ким кўп шеър билади?» танлови ташкил этилди.

«Соғлом бола йили» муносабати билан ўтказилган байрам тadbiri аянқида энг зук-ку китобхон ва билимдон ўқувчилар фахрий ёрлик ҳамда эс-далик совғалари билан тақдирланди.

Юлдуз МАТҚУРБОНОВА

Кўчат экаётган болалар

Бахмал туманидаги 8-мактаб ҳовлисида «Қамолот боғи» ташкил этилган. Бахорнинг илик кунлари бошлангач, ушбу боғ ўқувчилар билан янада гавжумлашди.

1-синфда ўқиётган Турғунбой Ҳабибуллаев 9-синф ўқувчиси Самариддин Нўмонов кўмадида мевали дарахт ўтказди. Турғунбой бу кўчатни мактаб билан хайрлашунига қадар парваришлагга аҳд қилди.

Бу эзгу иш мактаб аънавосига айланган. Таълим маскани ҳовлисига кўрх бағишлаб турган 150 тулдан кўпроқ мевали, 3000 тулдан зиёд манзарали дарахт ана шундан дарақ бериб ўқибди. Бу йилги баҳор фаслида 67 нафар ўқувчи бошчилигида 861 нафар ўқувчи кўчат экишга жалб этилди. Ўқувчилар терак ва мевали дарахт ниҳолларини ўтказдилар.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Ёш тadbirkorчилик анжумани

Ўзбекистон Миллий университетида «XXI аср — интеллектуал авлод асри» мавзусида ёш олимларнинг илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари, «Қамолот» ЁИХ фаоллари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, олимлар, ёш тadbirkorчилар иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққанлар илм-фан соҳасини янада ривожлантириш, қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш, уларнинг ижодий-интеллектуал

салоҳиятини рўёбга чиқариш бугуннинг долзарб масалаларидан эканини таъкидладди.

— Бу каби анжуманлар, ёшларнинг илмий изланишлари рўёбга чиқишда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Навоий номидаги давлат стипендияси соҳибни Тунис Ҳожиёв. — Бугун бизга яратиб берилаётган шароит-

лардан унумли фойдаланиб, илм йўлида изланишимиз лозим. Шу маънода бугунги анжуманда қатнашаётган тенгдошларимиз ҳам келгусида юксак салоҳиятли мутахассислар бўлиб қамолга етиб, илм-фан тараққиётига муносиб ҳисса қўлиши шубҳасиз.

Шоҳиста ШАҲОБОВА,
Гавҳар РУСТАМОВА,
Ўзбекистон Миллий университети талабалари,
«Ma'rifat» маҳорат мактаби тингловчилари

2014-yil 2-aprel, № 27 (8676)

Соғлом бола фақат ота-онанинг эмас, балки бутун жамиятнинг орзуси. Шу маънода 2014 йилга мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб ном берилиши ҳамда махсус давлат дастурининг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Бу мустақиллигимизнинг илк кунларидан жисмонан соғлом ва маънан етук баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган, ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг мантикий давоми бўлди. Табиийки, йил мобайнида ҳукумат идоралари — вазирлик, қўмита, ташкилот ва муассасалар томонидан давлат дастури ижросини таъминлашга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилади. «Соғлом бола йили» давлат дастури доирасида бажарилиши лозим бўлган кенг кўламли ишларга 4 509,2 миллиард сўм ва 302,9 миллион доллар миқдорида маблағ сарфланади.

нафар ўқувчи тамомлайди. Улар билан таълимнинг келажик босқичини тўғри танлаш, касбга йўналтиришда ўз имконият ва қизиқишларидан келиб чиқиб иш қўриш юзасидан апрель ойида «Очиқ эшиклар кун»и ташкил этмоқчимиз. Ўсмир билан сўровнома ўтказиш, ота-онанинг мактабга таклиф қилиш, турмушдаги ўрта махсус, касб-хунар таълими даргоҳлари ҳаёти билан таништириш фарзандларимизнинг кейинги тақ-

қувчим тақдирига дахлдорлик ҳиссини ҳар лаҳзада эслатиб туради. Яқинда мактаб раҳбариятининг кўрсатмасига мувофиқ, 8-синфлар ўртасида «Соғлом бола йили» муносабати билан «Биз келажак қурувчиларимиз» кўрик-танловини ўтказдик. 5та шарт — «Тиббиёт — дардга даво», «Интеллект — энг олий ҳазина», «Соғлом овқатланиш — соғлом турмуш гарови», «Спорт — жисмоний соғломлик асоси», «Маънавий ва руҳий жиҳатдан юксала-

Qaror va ijro

бўлиб, футбол, волейбол, баскетбол, кураш, бадий гимнастика билан шуғулланиш учун зарурий шарт-шароит яратилган. Жумладан, бадий гимнастика тўғрисида аъзоларнинг аксарияти 8-9 ёшдаги қизлар, 4 нафари эса ҳали мактабга ҳам чиқмаган.

Спорт залимизда бадий гимнастика учун алоҳида майдонча ажратилган, махсус жиҳоз ва анжом-

ДАВЛАТ ДАСТУРИ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Мактабгача таълим муассасаси, умумтаълим мактаби, касб-хунар коллежи, академик лицей ва олий ўқув юр்தларида ўқиётган фарзандларимизни «Соғлом бола йили» давлат дастурининг мазмун-моҳияти билан таништириш, ўзлари учун кўрсатилаётган ғамхўрликни қадрлашга ўргатиш ва жавобгарлик ҳиссини шакллантириш муҳим вазифалардан биридир. Таълим ходимларининг бу ҳақдаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик:

Бердиёр Холхўжаев, Фориш туманидаги 75-умумтаълим мактаби директори, халқ таълими аълочиси:

— Мамлакатимизда ҳар бир йилга ном берилиб, ана шу мақсадга йўналтирилган давлат дастурининг амалга оширилиши ажойиб анъанага айланди. Мустақил Ўзбекистоннинг 22 йиллик янги тарихида бундай тизимнинг юзга келиши ёш авлод манфаатларини ҳар жиҳатдан тўлиқ ҳимоя қилиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Мактабимизда «Соғлом бола йили» давлат дастурининг қабул қилиниши муносабати билан ўтказилган педагогик кенгаши йўналишида давлат дастуридан келиб чиқадиган вазифалар асосида ишлаб чиқилган режа қилинди. Давлат дастури ижроси бўйича ўқув-тарбия, маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ва ҳўжалик юритиш соҳасидаги ишлар учун масъул шахслар тайинланди.

Мактабимизда 318 нафар ўқувчига таълим-тарбия берилмоқда. Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини ўтказиладиган тадбирлар орқали бола онгига етказиш бўйича педагоглар катта тажрибага эга. Синфдан ташқари тадбирлар — спорт-соғломлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, экология, тиббий саводхонлик, китобхонликни ривожлантириш мақсадларига мушта-

уни чуқур англаган ёшлар жараёнда барча қатори фаол иштирокчига айланади



ракдир. Соғлом болани шакллантиришда спортнинг ролини кучайтириш учун мактабимизда 8та тур бўйича доимий тўғрак ташкил қилинган. 18, 79, 77, 38, 76, 43, 37-умумтаълим мактаблари ўқувчилари билан тез-тез мусобақалар ўтказилиши ёш спортчиларимиз учун маҳорат мактаби бўлмоқда. Спорт ўйинлари болани нафақат жисмонан чиниқтириш, балки иродавий сифатларини тарбиялаш гарови эканини ўқувчилар алақачон англаб етишган.

Жорий ўқув йили тўртинчи чораги ва янги 2014—2015 ўқув йилининг биринчи ярмида «Кўчат экиб, бог'ят», «Санитария ва озодлик кун»и (шанба), «Соғлом муҳит соғлом болани вояга етказди», «Соғлигим — бойлигим», «Аждодларимиз мероси — буюклик рамзи» каби шiorлар остида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб, давлат дастури замирида ҳар бир болани жамиятга муносиб қилиб тарбиялаш мақсади муҳим ҳисобланган.

Бу йил мактабимизни 40

дирида муҳим роль ўйнаши шубҳасиз.

Юлдуз Бобобекова, Юкори Чирчик туманидаги 33-умумтаълим мактабининг математика фани ўқитувчиси:

— «Соғлом бола йили» давлат дастурида қўйилган вазифалар биз ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юкламоқда. Дастурда илгари сурилган ғояларни ҳар бир бола онгига чуқур сингирдирилмакдир, синфдан ташқари тарбиявий соат ўтказиладими, давлат томонидан яратилаётган шарт-шароитлар — замонавий мактаб биноси, зарурий ўқув жиҳозлари, компьютер ва бошқа техника жиҳозлар ёшларнинг пухта билим эгаллаши, ўзини ҳар жиҳатдан ривожлантириши учун катта имконият эканини ўқирамиз. Бундан унумли фойдаланган ўқувчи ўзининг ёрқин келажигини таъминлаган бўлади.

Ўз фанимдан дарс бериш билан бир вақтда 8-синф раҳбариман. Бу эса худди ўз болаларимдек бўлиб қолган 18 нафар

миз» шиори остида беллашган ўқувчиларнинг ўз назарий билимларини амалиётда қандай қўллашини кузатдик. Уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлишга интилиши биз ўқитувчиларни қувонтирди. Демак, аниқ мақсадни ўз олдимизга қўйиб, мана шундай тадбирларни ўтказсак, ўқувчиларнинг бир-биридан ўрганиши, ибрат олиши учун шарт-шароит яратамиз.

Дилфуза Намозова, Кўшработ туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадий гимнастика тўғрисида раҳбари:

— Илгари қишлоқ муҳитида ўсib-улғаядиган қизлар кўпинча спорт билан шуғулланишга уялишарди. Ҳозир ота-оналарнинг ҳам, ўсмир қизларнинг ҳам фикри ижобий томонга ўзгарган. Улар англаб етдиларки, спорт — саломатлик гарови, турмушда учрайдиган аксарият муаммолар ечими.

Мен фаолият кўрсатаётган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби намунавий лойиҳа асосида тикланган

лар билан таъминланган. Ҳафтадига икки маротаба 90 дақиқадан амалий машғулот олиб бориш жараёнида қизларга бадий гимнастика қоматни тўғри ривожлантирувчи, ҳаётий мўлжални тўғри олишга ёрдам берувчи спорт тури эканини алоҳида ўқтираман. Мен кўрсатган машқларни моҳирона такрорлаётган ўсмир қизларни қузатиб, улар давлат томонидан ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликдан оқилона фойдаланиш кераклигини билишларига амин бўлман. Ўқув йили мобайнида 308 соатлик ҳам назарий, ҳам амалий машғулоти бўлиб, қизларнинг соғлом ривожланиши учун барча имкониятлардан унумли фойдаланиш эса биз мураббийлар зиммасида.

Чиндан ҳам 2014 йилининг «Соғлом бола йили» деб номланиши биз мураббийлар олдида катта вазифаларни қўймоқда. Мактабимизда давлат дастури ижросига ҳисса қўшиш учун чора-тадбирлар режасини тузиб, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланмоқдамиз. 600дан зиёд ўсмирнинг бўш вақтини мақсадли ва мазмунли ўтказишга ҳизмат қилаётган спорт мактабимиз, шубҳасиз, уларнинг жисмонан ва руҳан соғлом ривожланишини таъминлайди. Биз педагог-мураббийлар давлат томонидан ёш авлодга кўрсатилаётган эътиборга улар ўз устида ишлаш, қийинчиликлардан чўчимаслик, спорт мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаш, мактаб моддий бойлигини асраб-авайлаш, устозларига нисбатан ҳурматда бўлиш билан жавоб қайтариши кераклигини бот-бот таъкидлаيمиз. Зеро, ҳукумат даражасида қўйилаётган вазифани барчамиз чуқур англаб, шунга яраша ҳаракат қилсакки, умумий мақсадларимизга эришамиз.

Хулқар ТҲИМАНОВА
ёзиб олди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими масканларида ўқийётган ўқувчиларга мутахассислик фанлари билан бир қаторда умумтаълим ўқув предметлари ҳам ўқитилади. Бу кўпроқ биринчи ва қисман иккинчи босқичга тўғри келади. Анъанавий усуллар ва ноанъанавий технологиялардан фойдаланган ўқитувчилар ҳақида ижобий натижага эришиб келмоқдалар. Айниқса, дарс жараёнида муаммоли таълимдан фойдаланиш ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишини оширади.

Муаммоли таълимда муваффақиятга эришиш кўплаб омилларга боғлиқ: ўқув материални муаммоллаштириш, ўқувчиларнинг билиш жараёнини фаоллаштириш, таълим жараёнини ўйин, меҳнат билан уйғунлаштириш, муаммоли методлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш, ҳолатта мос саволлар ту-

«Мақсадга мувофиқлик» билан «мослашганлик» сўзлари орасида қандай фарқ mavjud?

Гуруҳлар баён этган фикрлар тахлилини дарс якунига қолдирдим ва навбатдаги муаммоли саволлар ёзилган карточкаларни тарқатиб чиқдим:

Тирик организмларнинг муайян ташқи муҳит шароитига мослаши-

Sinab ko'ring

шини а) Карл Линней; б) Ж.Б.Ламарк; в) Ч.Дарвин қандай изоҳлайди?

Ўқувчилар мазкур саволларга жавоб топганларидан кейин улар диққатини ўзгарувчанлик ва мослашганлик тушунчаларига қаратдим. Бу икки тушунча ўртасида ўзаро алоқадорлик мавжудлигини изоҳлаб ўтдим. Шундан сўнг гуруҳлар ҳайвонот дунёсидаги мослашиш жараёнини ўрганишга киришдилар. Ўқувчиларга аввал ўзлаштирган билимлари ва дарсликдан фойдаланиб, қуйидаги жадвални тўлдириш ва изоҳлаш бўйича топшириқ бердим:

Мослашиш тури	Ҳайвонларнинг номи	Мослашиш белгилари
I. Ҳимоя ранги		
II. Маскировка		
III. Огоҳлантирувчи ранг		
IV. Мимикрия		

Ўқувчилар жавобини баҳолаб, уларнинг диққатини ўсимликлар оламидаги мослашиш жараёни акс эттирилган навбатдаги жадвалга қаратдим:

	Мослашиш тури	Ўсимлик номи	Мослашишга ёрдам берадиган ўзгаришлар
I. Ҳашаротлар ёрдамида чангланадиган ўсимликлар	1. 2. 3. 4. 5.		
II. Шамол ёрдамида чангланадиган ўсимликлар	1. 2. 3. 4. 5.		

Ҳайвонот ва ўсимлик оламидаги мослашиш юзасидан гуруҳлар билимини баҳолаб эканман, муаммоли таълим уларга маъқул келганини ҳис қилдим. Муаммоли таълимнинг «Ақлий ҳужум» усулини қўллашим натижасида ўқувчиларнинг мавзу юзасидан ўзлаштириш даражаси анча ошди. Мавзунинг биринчи босқичда ўқувчилардан 25 фоизи аёло, 71 фоизи яхши ва қолганлари қониқарли баҳога ўзлаштирди. Демак, «Ақлий ҳужум» усулида ўқувчиларни мавзуга кўпроқ қизиқтириш мумкин. Ўз-ўзидан мавзуга қизиққан бола мавзунинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етади. Биология борлиқ-олам, ҳаёт давомийлиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг сир-синоатини ўзида жамлаган фан бўлгани учун ҳам бундай усул билан дарс ўтиш ҳар жиҳатдан самаралидир.

Хозир касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқув йилининг иккинчи семестри давом этмоқда. Коллежимизда биринчи босқич ўқувчилари 11 гуруҳдан иборат. Яқин кунларда биологиядан «Одам эволюцияси» мавзусини семинар-дарс шаклида ўтишни режалаштирганман. Ушбу дарсда яна бир бор «Ақлий ҳужум» технологиясидан фойдаланмоқчиман.

Фаррух АСАДОВ,

Қўшработ туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи биология фани ўқитувчиси

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

устоз ва шогирд нигоҳида

Кўз билан кўрилган воқеа ва ҳодисалар эшитилганидан кўра хотирада узокроқ сақланиб қолади. Кўз билан кўриб, амалиётда бажарилган иш эса ўқувчилар ёдида бир умрга муҳрланади. Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 105-мактабнинг биология фани ўқитувчиси Барно Раҳимова 25 йиллик тажрибасига таяниб, мавзунинг ҳаёт билан боғлашга, имкони борида олинган билимларни лаборатория машғулотларида мустаҳкамлашга ҳаракат қилади.

— Масалан, қушларнинг ташқи тузилиши, пати ва пат қопламани ўргатишда қушларнинг барельеф модели, ички тузилиши, ва ҳўл препарати, қуш патлари коллекцияси, тарқатма материаллар ва микроскопдан фойдаланаман. Бунда ўқувчилар қушларнинг тузилиши ва ҳаёт кечиришининг ташқи муҳит билан боғлиқлиги, судралиб юрувчилардан фарқи ва ўхшаш томонларини яхши ўзлаштириб оладилар. Назарияни амалиёт билан уйғун тарзда олиб боришни кўп йил-



лик педагогик тажрибага эга устозим Раъно Аҳмедовадан ўрганганман, — дейди Барно Раҳимова.

— Замонавий лаборатория жиҳозлари ёрдамида билимларни ўзлаштирган ўқувчилар ўрганганларини ҳаётда кузатиб, амалий ҳулоса чиқарадилар.

Суратда: Юнусобод туманидаги 105-мактабнинг биология фани ўқитувчиси Барно Раҳимова ўқувчилари билан дарс пайтида.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Тахририятимизга келаётган мактублар орасида мактаб бошқарувида оид саволлар ҳам кўп. Мактаб директорларига фаолиятлари мобайнида асқотади, деган ниятда ана шу саволларга Халқ таълими вазирлигининг молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлигининг ўринбосари Шерзод Пардаевдан жавоб олдик.

Мактаб директори, унинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ҳамда ўқув ишлари бўйича ўринбосарига таътил пайтида педагогик юклама ёзиладими?

Сабҳот ШАРИПОВА,

Чортоқ туманидаги

43-мактаб директорининг ўринбосари

— Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сонли қарори билан тасдиқланган «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида низом»нинг 14-бандига мувофиқ, халқ таълими муассасасининг раҳбар ходими томонидан асосий лавозимнинг бир ҳафтада 10 соатгача ҳажмда ўқитувчи лавозими билан қўшиб олиб борилишига (ўқув юкламаси юритилишига) йўл қўйилади.

Раҳбар ходим томонидан ўтилган дарс учун соатбай ҳақ тўланади. Соатбай асосда дарс берган раҳбар ходимга ўқувчилар таътили даврида ҳам, таътилдан ташқари даврида ҳам педагогик юклама ҳисобланмайди.

Ўқитувчиларимиздан бири малака оширишга кетди. Унинг ўрнига бошқа бир муаллим дарсларини ўтапти. Ўриндош асосидаги муаллимга қўшимча педагогик юклама тўланадими?

Назозат ИБРОҲИМОВА,

Зангиота туманидаги

56-мактаб директорининг ўринбосари

— Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2010 йил 24 июндаги қўшма буйруғи билан тасдиқланган «Умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларини тарификациялаш, иш вақтини ҳисобга олиш ва иш ҳақларини ҳисоблаш тартиби бўйича методик кўрсатмалар»нинг 9-бандига мувофиқ, ўриндошлик ёки ходим асосий иш фаолияти билан бир қаторда вақтинча ишда бўлмаган ходимнинг вазифасини бажарган ҳолларда унинг ойлик, чораклик ва йиллик юкламаси бажарган ишлари ҳисобига ортади. Вақтинча ишда бўлмаган ходим ўрнига ишлаётган ҳолларда у ўқув ва педагогик юкламаларни тўлиқ ҳажмда бажаради ва бунинг учун ўрнатилган тартибда ҳақ тўланади.

Мақтабимизда инглиз тили фани ўқитувчилари етишмаслиги сабабли синфлар икки гуруҳга бўлинмасдан ўтиляпти. Ҳафталик дарс соатини 30 соатни ташкил этади. Синфнинг икки гуруҳга ажратмасдан дарс ўтганим учун қонунчиликда қўшимча ҳақ кўзда тутилганми?

Шоҳида ХОТАМОВА,

Оққўрғон туманидаги

1-мактаб ўқитувчиси

— Инглиз тили дарслари, албатта, бўлиб ўтилиши шарт. Қўшиб ўтилган дарслар учун қўшимча ҳақ кўзда тутилмаган.

2014-yil 2-aprel, № 27 (8676)

Хар бир давлатнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи даромади кўплаб омилларга боғлиқ. Масалан, мамлакатнинг табиий бойликлари, аҳоли сони, интеллектуал технологиялар даражаси, ижтимоий сиёсати ва бошқа сабаблар тўғрисида бундай даромад кўп ёки оз бўлиши мумкин. Бугун ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси юқори бўлган етакчи мамлакатларни кузатишда бўлсак, уларнинг бу даражага эришишига сабаб интеллектуал ва инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш йўлига қўйилгани эканлиги равшанлашади.

Навоий давлат кончиликти республикамиздаги тоғ-кон саноати бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлайдиган, ишлаб чиқаришнинг муҳим масалаларига доир самарали тадқиқотлар олиб бориладиган олий таълим муассасалари сирасига кирилади. Айни пайтда институтда ўн нафар фан доктори, 72 нафар фан номзоди илмий-педагогик ишлари олиб бораётти, катта илмий ходим-изланувчи сифатида тўрт нафар, мустақил изланувчи сифатида йигирма нафардан зиёд педагог-ҳодимлар фаолият кўрсатмоқда. Уларга тажрибали фан докторлари илмий маслаҳатчи этиб бириктирилган. 2013 йилдан бошлаб институт таркибида геология-минералогия ва кончилик иши бўйича техника фанлари доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фаолият бошлагани ҳам амалга оширилаётган ишлар кўлаmidан далolat беради.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини жадаллаштириш мақсадида Навоий минтақасидаги корхоналарнинг муаммолари аниқланиб, маълумотлар базаси шакллантирилди. Инновация гуруҳи тузилиб, институт ва ишлаб чиқариш корхоналарининг етакчи мутахассислари жалб этилди. Ишлаб чиқаришга доир долзарб масалалар бакалаврларга битирув-малакавий ишлари, магистр ва катта илмий ходим-изланувчиларга диссертация мавзулари этиб белгиланган. Айни пайтда Навоий давлат кончиликти институтда саккиз мутахассислик бўйича тўқсон нафардан зиёд магистр илмий-тадқиқот ишлари билан машгул.

Институтда халқаро ҳамкорлик, чет давлатлар билан илмий алоқалар кенг йўлга қўйилган. Таълим даргоҳида TEMPUS ва ERASMUS-MUNDUS дастурлари доира-

фатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2013 йили Навоий давлат кончиликти институтда «Минерал ресурсларни қазиб олиш, қайта ишлаш ва ишлов бериш» илмий тадқиқот лабораториясининг ташкил этилиши ҳудуддаги ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналари имкониятларини янги босқичга кўтарди.

Қарор ижроси аввалида

самарадорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш; фойдали қазилмаларни, балансдан ташқари маъданларни ва конметаллургия саноати чиқиндиларини бойитиш, қайта ишлаш ресурсларини сакловчи технологиянинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш; кўп таркибли маъдан хомашёсидан фойдали компонент (таркибий қисм)ларни комплекс ажратиш олишнинг ноанъана-

Qaror va ijro

қиқот ишларини бажариш кўзда тутилган.

Айни пайтда илмий тадқиқот лабораториясининг моддий-техник базасини мустахкамлаш, керакли жиҳозлар билан таъминлаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бу йил давлат гранти маблағлари ҳисобидан лабораторияни умумий қиймати 2,186 миллион АҚШ доллари бўлган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилган. Ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган, сезгирлиги ва аниқлаш тезлиги юқори бўлган бундай ускуналардан фойдаланиш Навоий, Самарқанд, Бухоро вилоятларидаги саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳиятини янада ошириш имконини беради. Ушбу қурилмалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетининг кимё, физика йўналиши бўйича магистрлари ҳамда Навоий кон-металлургия комбинати мутахассисларини жалб этиш кўзда тутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда,

ЗАМОНАВИЙ ЛАБОРАТОРИЯ

кенг қамровли изланишларга йўл очаяпти

сида лойиҳалар амалга оширилгани бу ҳамкорлиқнинг амалий натижаси, десак янглишмаган бўламиз. Ўтган йили дастур бўйича ажратилган 520 миллион сўм маблағ ҳисобидан институтнинг моддий-маълумот базаси кенгайтирилиб, тўрт нафар иқтидорли талаба Италиянинг Турин политехника университетидан билимини оширган бўлса, институт ўқитувчиларидан бир неча нафари чет элда хориж тажрибасини ўрганиш имконига эга бўлди.

Илмий иш натижаларини эълон қилиш ҳам илмий йўналишнинг долзарб масалаларидандир. Бу борада республикамизнинг етакчи ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий тадқиқот муассасалари ҳамкорлигида институтда 1997 йили таъсис этилган «Ўзбекистон кончиликти хабарномаси» журналин таъкидлаш мумкин. Ўтган йили журнал ва институт ходимларининг элликдан зиёд илмий мақоласи эълон қилинди. Шунингдек, 2013 йили «Кон-металлургия соҳасининг замонавий техника ва технологиялари, уларнинг ривожланиш истиқболлари» мавзусида VI халқаро илмий-техникавий конференция ўтказилди. Унда республикамиз ва чет эллик тажрибали мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустахкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш си-

мазкур лаборатория учун маҳсулус ишчи гуруҳи тузилди, аззоларга илмий-тадқиқот лабораторияси фаолиятини илмий асослаш, унинг мақсад ва вазифаларини, структурасини аниқлаш, штатлар жадвали (тахминий) ва лаборатория учун зарур жиҳозлар бўйича тақлифлар тайёрлаш, лаборатория жойлашадиган манзилни белгилаш вазифалари юклатилди. Ушбу вазифа ишчи гуруҳи томонидан талаб даражасида бажарилди, ишлар якунида тегишли ташкилотлар ходимлари иштирокида тайёрланган материаллар бўйича тақдимот ўтказилди.

Илмий тадқиқот лабораториясининг асосий мақсади этиб кон ишларининг янги технологияларини ишлаб чиқиш, фойдали қазилмаларни бойитиш ва комплекс қайта ишлаш, минералларни очишнинг янги усул ва технологияларини амалиётга таътиқ этиш, минерал хомашёлардан фойдали моддалар ва элементларни комплекс ва тўлиқ ажратиш олиш, янги ташкилий тузилма асосида малакали кадрларни талаб даражасида тайёрлаш ва малакасини ошириш, таълим, илмий тадқиқот муассасалари, инновацион ва ишлаб чиқариш ресурсларининг интеграцион формаларини ишлаб чиқиш каби вазифалар белгиланди.

Олтин маъданли хомашё қазиб олишнинг самарали технологиясини илмий асосларини ишлаб чиқиш, чуқур карьерларда кон ишларининг

вий усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга таътиқ этиш; табиий ва ноанъанавий хомашёни ресурс сакловчи ва экологик хавфсиз қазиб олиш жараёнларини физик-кимёвий ва амалий асослаш лабораториянинг асосий вазифалари сирасига кирилади.

Бугунга келиб «Минерал ресурсларни қазиб олиш, қайта ишлаш ва ишлов бериш» илмий тадқиқот лабо-

«Минерал ресурсларни қазиб олиш, қайта ишлаш ва ишлов бериш» илмий тадқиқот лабораторияси томонидан 2013 йилда давлат грантлари асосида 20та лойиҳа бўйича жами 490,1 миллион сўмлик илмий тадқиқот ишлари бажарилди.

раториясида олиб борилаётган ишлар салмоғи сезиларли даражада кенгайди. Жумладан, 2013 йили лаборатория томонидан давлат грантлари асосида 20та лойиҳа бўйича жами 490,1 миллион сўмлик илмий тадқиқот ишлари бажарилди. Шунингдек, институт ходимлари ҳўжалик шартномалари бўйича 90 миллион сўмлик илмий тадқиқот ишларини амалга оширди. Жорий йилда эса лабораторияда давлат гранти асосида 20та, умумий қиймати 590 миллион сўмлик илмий тадқиқот ишлари олиб боришмоқда. Бундан ташқари, Навоий кон-металлургия комбинати билан ҳўжалик шартномалари асосида 390 миллион сўмлик илмий тад-

Навоий ҳудудида яратилаётган бундай имкониятлар, амалга оширилаётган янгиланишлар саноат тармоқларини ривожлантириш, Ўзбекистонда валюта маблағларини тежаш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Баҳодир МУХИДДИНОВ,
Навоий давлат кончиликти институтининг илмий ишлар бўйича проректори,
кимё фанлари доктори, профессор
Г. САТТОРОВ,
Навоий давлат кончиликти институтининг «Металлургия» кафедраси профессори,
техника фанлари доктори



Наманган муҳандислик-педагогика институтини ахборот-ресурс маркази талабалар билан доимо гавжум.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ инфратузилмаси замон талаблари асосида янгиланган мазкур марказ барча қўлайликлар яратилган учта ўқув зали, электрон кутубхона ҳамда 227

минг нусхадан ортиқ китоб фондига эга. Юз номдан ортиқ газета-журналлар узлуксиз келтирилади.

Суратларда: Наманган муҳандислик-педагогика институтини ахборот-ресурс марказида.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА)
олган суратлар.

Илмий адабиётларда келтирилган, "Иновацион технология" термини таркибиданги "инновация" сўзи (инглизча innovation — киритилган янгилик, изобретение) "фан-техникада жорий этилган янгилик" маъносини, "технология" эса лингводидактик тушунча сифатида "кам вақт, куч ва маблағ сарфлаб, таълим мақсадида эришилган таъминловчи сабб-ҳаракатини илмий ташкил қилишнинг оқилона усуллари мажмуи"ни ифодалайди.

Sinab ko'ring

Таъкидлаш керакки, анъанавий педагогикада инновацион технологиянинг муайян усуллари сифатида, масалан, Brain storming, case, zigzag, cluster, project, method каби турларини қўллаш катта натижа беради. Шунингдек, чет тилларни ўргатишда, албатта, ўқиш, яъни мутолаанинг роли жуда муҳим ҳисобланади. Педагогик фаолиятим давомида озғача нутқ ҳам чет тилларни ўргатишнинг энг самарали воситаларидан бири эканлигига амин бўлдим. Яна бир хулосам шуки, хорижий тилни мукамал ўрганишни ўз олдига мақсад қилган шахс, аввало, нутқ, ўз она тилини ҳар ҳафтадан мукамал эгаллаган бўлиши лозим.

Айрим ҳолатларда биз ўқувчи ўқини билмаса, грамматикани билмаса, гапира олмайд деб ўқишга, грамматикани ўргатиш-

гасаликни фарқлаб кўрсатадиган фильм намоиш этилади. Биринчи гуруҳга ўшбу фильм юзасидан саволлар тузиш, иккинчи гуруҳга фильм мазмунини гапириб бериш, учинчи гуруҳга эса фильм мазмун-моҳияти ҳақида эссе ёзиш вазифаси берилади. Кейинги вазифа. Гуруҳларга бирор воқеа ёки ҳодиса акс этирилган расм тарқатилади. Гуруҳ аъзоларига бир хилда, яъни "What do you think?" саволи берилади. Мазкур саволга жавоб бериш орқали ўқувчиларда бир вақтнинг ўзида инглиз тилида фикрлаш, сўзлаш ва шахсий фикр билдириш қobiliяти, шунингдек, вазиятни атрафликка баҳолаш ҳамда ифода-лаш кўникмаси ривожланади.

"Brain storming" усулини қўллаш ҳам ўзига яраша катта натижа ва самара беради. Бунда ўқувчиларга "аклий ҳужум"

«BRAIN STORMING» УСУЛИНИ ҚўЛЛАШ

ўзига хос ижобий натижалар беради

га катта эътибор қаратамиз. Бироқ интеллектуал салоҳият, ўзлаштириш, қабул қилиш, англаш ва хотира даражаси ҳар бир ўқувчида ўзига хос тарзда ривожланган бўлади. Тушунчаларни кимдир эшитиш орқали, кимдир ёзиш ёки ўқиш орқали, яна кимдир эса фақат кўриш ва сўзлаш орқали яхши қабул қилади. Шу боис ҳам имкон қадар ҳар бир ўқувчига ўз салоҳиятидан келиб чиқиб индивидуал ёндашган ҳолда, ўзлаштириш ва сингдириш, тушунча беришнинг турли воситаларидан, энг муҳими, озғача нутқни ривожлантириш усулларидадн унумли фойдаланишимиз зарур.

Куйида чет тилини ўқитишда ўз фаолиятимда қўллаб келаётган ва ўзининг ижобий натижаларини бераётган инновацион таълим технологияларидан айримларини келтириб ўтмоқчиман.

Озғача нутқ машғулотларини ўтказишдан мақсад ўқувчилар ёдидан кўтарилган сўз, ибора, қоидаларни эсга тушириш, инглизча тинглаш, гапириш учун нутқ органларини тайёрлаш, уларни инглиз тили муҳитига туширишдир. Масалан, бирор расмини кўрсатиб, ўқувчидан нима-ни кўраётгани ва расмда кимлар борлигини ўшбу вазият ҳақида қисқа эссе ёзиш, шахсий позицияси ва фикрини билдиришни сўраш орқали озғача нутқ шакллана боради.

Айрим дарсларни чет тилида гапиришдан бошлаш ҳам ижобий натижа беради. Ўқувчилар дарс давомида мулоқот муҳитида бўлишади. Бу жараёнда ҳар бир ўқувчи-нинг аста-секинлик билан тинглаб тушуниш, гапириш қobiliяти ривожланиб боради.

Яна бир мисол. Замонавий ўқитишнинг "Work in groups" усули орқали машғулотда қатнашаётган ўқувчилар 3 гуруҳга бўлинади. Ўқувчиларга тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, яъни ва ёмонни, меҳнатсеварлик ва дан-

уоштирилиб, бирор ҳодисанинг дастлабки воқеалари инглиз тилида ўқиб берилади ва ўқувчилардан уни мантикий давом этириш талаб этилади. Ўқитишнинг бу каби замонавий усуллари қўллаш давомида ўқитувчи ўқувчиларнинг грамматик, лексик, орфографик ва бошқа хато ҳамда камчиликларини ўз ўрнида тўғрилаб бориши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Алаҳқусус, ўқув машғулотлари давомида мазкур аралаш ва соф дарс турларини қўллаш орқали ўқувчиларнинг инглиз тилида гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш, хотира ва мантикий тафаккур юритиш қobiliя-тлари, билим савияси ва маънавиятини юксалтириш, аклий меҳнат малакаларини ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчи шахсининг аклий, ҳиссий ва мотивацион хусусиятларини ривожлантиришга эришилади.

Айни пайтда таълим муассасаларининг хорижий тиллар хоналари ўқитишнинг замонавий техник воситалари билан жиҳозланаётгани, шунингдек, телевидение орқали хорижий тилларни ўргатиш бўйича кўрсатувлар намоиш этилаётгани, инглиз тилидаги илмий-оммабон ҳамда мультимедиа фильмларнинг ўзбек тилидаги субтитр ёрдамида кўрсатилаётгани ўқувчиларнинг чет тилидаги билимларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан янада бойитмоқда. Бугунги ўқувчиларимиз орасида чет тилини мукамал биладиганлари, жажон адабиёти намуналарини таржима қиладиганлари, бир неча хорижий тилларни ўрганаётганлари кўп. Биз ўқитувчилар бундай ўқувчиларнинг чет тили фанига бўлган қизиқишларини янада қўллаб-қувватлаб боришимиз керак.

Азиза НОДИРОВА, ЎЗДЖТУ қошидаги 3-академик лицейнинг инглиз тили фани ўқитувчиси

ЎҚУВ ЛУҒАТЛАРИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МУҲИМ ВОСИТА

Ўқув лугатлари таълим жараёнида ахборот технологиялари қўллаш самарадорлигини таъминловчи асосий восита саналади. Уларсиз ўқувчиларни мустақил изланиш ва фикрлашга ўргатиш мушкул. Таълимдаги ислохотлар дарсликларга илова сифатида ана шундай ахборот банкни шакллантиришни тақозо этади. Шу боис мутахассислар томонидан она тили таълими учун бир қанча ўқув лугатлари ва қомуслар яратилмоқда. О.Шукуров ва Б.Бойматованинг "Ўзбек тилининг маънодош сўзлар ўқув лугати", Ё.Хамроевнинг "Ўзбек тилининг ўзлашма сўзлар ўқув лугати", У.Тўраева ва Д.Шодмонованинг "Ўзбек тилининг зид маъноли сўзлар ўқув лугати", Б.Менглиев ва Б.Бахриддинованинг "Ўзбек тилининг сўз таркиби ўқув лугати", Х.Сувонова ва Г.Турдиевнинг "Ўзбек тилининг шаклдош сўзлар ўқув лугати", Т.Нафасов ва В.Нафасованинг "Ўзбек тилининг ўқув топонимик лугати", "Ўзбек тилининг талаффуздош сўзлар ўқув лугати", Х.Норҳужаеванинг "Ўзбек тилининг эскирган сўзлар ўқув лугати", Б.Менглиев, Б.Бахриддинов ва, У.Холиёров, М.Зарипова ва М.Хушвақтованинг "Ўзбек тилининг сўз аълоши ўқув лугати", Г.Тилова томонидан эса "Она тили атамалари лугати", муаллифлар жамоаси томонидан эса "Она тили. Қомус" каби китобларнинг нашр этилганлиги эътиборга молик. Булар — она тили қогнитив таълимининг айрим воситалари ва илк тажриба наму-

налари. Алгоритмик дастур ва дарсликлар бу таълим воситаларининг такмиллашган, сифатсавия ва сон жиҳатидан юкори даражадаги, янгидан-янги ва ноанъанавий турларини яратишни талаб қилади.

Ривожланган давлатларда ўқув лугатчилиги ўтган асрнинг 40—50-йилларидаёқ кескин ривожланди, таълимининг ҳар бир бўғини учун (мактабгача тарбия муассасасидан олий мактабгача) юзлаб лугатларнинг махсус турлари яратилиб, улар мактаб дарсликларининг бир қисмига айланган. Албатта, ўқув восита-

Millat mulki

ларини чоп этиш уларнинг илмий ва педагогик асосларини ишлаб чиқиш билан белгиланади. Масалан, собик тузум давридаёқ рус тили бўйича бу масала долзарб вазифа сифатида қўйилиб, ўқув лугатчилиги назарияси ва амалиётида катта ютуқларга эришилди, ўқув лугатларининг илмий ва педагогик асослари, таълим жараёнидаги аҳамияти бўйича жиддий тадқиқотлар бажарилди ва натижалари лексикографик амалиётга татбиқ этилди. Бажарилган илмий-тадқиқот ишлари самараси сифатида ўша даврда рус мактаблари учун 30дан ортиқ ўқув лугати яратилган эди. Бироқ ўзбек фанида ўқув лугатчилигининг на назарий, на амалий томонида эътибор қаратилди. Ўрта умумий таълим учун би-

ларини чоп этиш уларнинг илмий ва педагогик асосларини ишлаб чиқиш билан белгиланади. Масалан, собик тузум давридаёқ рус тили бўйича бу масала долзарб вазифа сифатида қўйилиб, ўқув лугатчилиги назарияси ва амалиётида катта ютуқларга эришилди, ўқув лугатларининг илмий ва педагогик асослари, таълим жараёнидаги аҳамияти бўйича жиддий тадқиқотлар бажарилди ва натижалари лексикографик амалиётга татбиқ этилди. Бажарилган илмий-тадқиқот ишлари самараси сифатида ўша даврда рус мактаблари учун 30дан ортиқ ўқув лугати яратилган эди. Бироқ ўзбек фанида ўқув лугатчилигининг на назарий, на амалий томонида эътибор қаратилди. Ўрта умумий таълим учун би-

ларини чоп этиш уларнинг илмий ва педагогик асосларини ишлаб чиқиш билан белгиланади. Масалан, собик тузум давридаёқ рус тили бўйича бу масала долзарб вазифа сифатида қўйилиб, ўқув лугатчилиги назарияси ва амалиётида катта ютуқларга эришилди, ўқув лугатларининг илмий ва педагогик асослари, таълим жараёнидаги аҳамияти бўйича жиддий тадқиқотлар бажарилди ва натижалари лексикографик амалиётга татбиқ этилди. Бажарилган илмий-тадқиқот ишлари самараси сифатида ўша даврда рус мактаблари учун 30дан ортиқ ўқув лугати яратилган эди. Бироқ ўзбек фанида ўқув лугатчилигининг на назарий, на амалий томонида эътибор қаратилди. Ўрта умумий таълим учун би-

Раъно ОРТИКОВА, Шайхонтахур ТХТМОМТЭ бўлими ходими,
Ҳосият СУВОНОВА, Шайхонтахур туманидаги 59-мактаб ўқитувчиси



ҲУНАРЛИ БЎЛИШ САОДАТИ

Бухоро педагогика коллежи ўқувчиси Саодат Жўраева кенг ассортиментдаги кийимларни моделлаштириш йўналишида таҳсил олмоқда.

Тукуччилик ва каштадўзлик ҳунари сирларини болалигида момосидан ўрганган Саодат айни пайтда коллежда кийимларни лойиҳалаш ва газламашунослик бўйича назарий билим ва амалий

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

O'rgan, o'rgat

Избоскан енгил саноат коллежиди 1024 нафар ўқувчи олти йўналишда касб-ҳунар сирларини ўрганмоқда. Уларнинг орзулари ушалишига 42 нафар ўқитувчи камарбаста бўлипти. Таълим муассасасида ҳар сешанба педагоглар, жума куни эса ўқувчилар учун маънавий

ЎҚИТУВЧИЛАР ТАШАББУСИ ҚЎЛГА ОЛИШДИ

соатлари ташкил этилган. Айниқса, ҳафтанинг бир куни матбуот материаллари ўрганишга бағишлангани яхши самара бераёпти. Ўқувчилар устозлар кўмагида жиноятчилик ва ноқонуний диний оқимлар таълимига тушиб қолишнинг олдини олиш, одам савдоси, экстремизм ва терроризм, гиёҳвандлик ҳамда ичкиликбозликка қарши кураш масалаларидаги ўз билимларини бойитишга уринади. Бундан ташқари, маънавият ва фан, касб-ҳунар тўғрақлари ҳам мунтазам йўлга қўйилган.

Орифжон СИДДИҚОВ, «Ma'rifat» мухбири

АСТРОНОМИЯ ВА ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

бундаги уйғунлик ўқувчилар билимини бойитади

Астрономия кузатувларга асосланган фан. Қадимдан само жисмлари ҳаракатини ўрганиш инсониятда катта қизиқиш уйғотиб келган. Бу ҳолат ўқувчиларнинг дарс машғулотларидаги қизгин савол-жавоблари, самовий ҳодисалар ҳусусидаги баҳсларида ҳам аққол кўринади. Кўёш, Ой тутилиши, кометаларнинг Ерга тутиши, болидлар учини, баъзи юлдузлар равшанликлари ва Ой фазаларининг ўзгариши, Ер сунъий йўлдошларининг ҳаракати сингари коинотдаги баъзи ҳодисаларни кузатиш асносида уларнинг фанга оид билими ортади.

Астрономия дарсларида ўқувчиларнинг саволларига тўлақонли жавоб бериш, мавзуларни чуқур тушутириш мақсадида кўпинча матбуот материаллари, интернетдаги ишончли манбалар, астрономияга доир кўшимча адабиётлардан фойдаланиш яхши самара беради. Шунингдек, бебаҳо меросимиз — халқ озғача ихлодидан фойдаланиш ҳам дарс самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Масалан, ўзим астрономия фани ўқитувчиси сифатида дарс самарадорлигини ошириш, ўқувчилар мавзуларни тез ўзлаштиришлари-га кўмаклашиш учун халқ мақоллари ва топишмоқлардан тез-тез фойдаланиб тураман.

Кўёшнинг йиллик кўринма ҳаракати — "Эклиптика" мавзусида Зодиак юлдуз туркуми номи билан аталадиган ойлار ҳақида қуйидаги мақоллардан фойдаланаман:

— "Ҳамал кирди" — амал кирди". Бунда Наврўздан кейин табиат уйғониб, ўсимликлар жонланishi эслатилади;

— "Саврининг саноғида қишнинг ёғини бор" мақолида бу ойда кун баъзан кескин совиб,

ИҚТИДОР ВА ИЗЛАНИШ

Таълим соҳасида ўқитувчи шахси, унинг меҳнати ва истеъдоди муносиб кадрланётгани ҳар бир педагогнинг ўз устида янада кўпроқ ишлашга, изланишга ундамоқда. Нилуфар Саидхамедова ёш бўлишига қарамасдан меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги билан жамоадoshлари орасида ўз ўрнига эга.

Нилуфар икки йилдан буён Самарқанддаги 68-умумтаълим мактабиди тасвирий санъат ва чизмачилик фанидан ўқувчиларга сабоқ бериб келади. Ҳар бир дарсини интерактив усуллар ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда қизиқарли ўтишга интилади. Ўқувчиларни тасвирий санъатнинг сеҳрли оламига етаклар экан, ўзи чизган расмлардан кенг фойдаланади. Мўйқаламда ишлаш услублари, тасвирий санъат тарихини ёшларга меҳр билан ўргатади, машҳур расмоларнинг ҳаёт йўлларини намуна сифатида кўрсатади. Расм чизишга қobiliяти суст ўқувчилар билан "Сеҳрли қалам" тўғрагида алоҳида ишлайди. Ўқувчиларда танқидий фикр ва соғлом дунёқарашни шакллантириш мақсадида "Гиёҳвандлик — аср вабоси", "Одам савдоси — қуллик балоси", "Аждодлар меросини асрайлик!", "Она шахрим — Самарқанд" каби мавзуларга алоҳида эътибор қаратади. Ҳар бир дарс ижобий натижа беришида фақат ўқитувчи эмас, ўқувчи ҳам фаол бўлиши

кераклигини ҳис қилиб, тинимсиз изланади. — Болалиқдан табиат манзараларини чизишга, расм билишига қизиқишим баланд эди. Мактабни битириб, Самарқанд шаҳридаги 1-педагогика коллежининг дастхони рангас-вир йўналишида, кейинчалик Жиззас давлат педагогика институтининг тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси бўлимида тахсил олдим, — дейди Нилуфар Саидхамедова. — Очиғи, дастлаб ўқувчиларнинг ҳар бирининг хоҳиш-истаги ва қарашлари билан ҳисоблаш олармикиман, деб чўчидим. Аммо тажрибали ҳамкасбларимнинг маслаҳатлари ва кўмағида масъулиятли педагогик фаолиятимни бошладим.

Ёш муаллима ўзининг соддадиллиги, болаларча бегуборлиги билан ўқувчилар қалбига йўл топа олди. Меҳнати мева бериб, ўқувчилари бир қанча ютуқларни қўлга киритмоқда. Жумладан, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан шаҳар миқёсида "Бахтли болалик" мавзусида асфальтга расм чизиш бўйича ўтказилган кўрик-танловда шоғирди Дилбар Салимова фахрли 1-ўринни, "Оилам тинч — юртим тинч" кўрик-танловига эса яна бир иқтидорли шоғирди Нодира Сатторова 2-ўринни эгаллади. Ўқувчилари эришяётган ана шундай ютуқлар ёш муаллимага қанот бўлмоқда.

Ҳаким ЖўРАЕВ, «Ma'rifat» мухбири

Ўқувчиларга таълим беришда тизимли, инновацион усуллардан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширади, ўқитувчиларни изланувчанликка ундайди. Дарсларимда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш мубайнида бунга тўла амин бўлдим. Кўпроқ мутолаа қилиш, янгилик излаш оdatимга айланди. Айниқса, ҳамкорликда ўқишни ташкил этиш, дарсларда қўллаган «Бир-галикда ўқиймиз», «Арра», «Уйланг! Жуфтликда ишланг ва фикр алмашинг!» каби усуллар ҳамкасбларимга маъқул бўлди.

Ҳамкорликда ўқиш гуруҳларга бўлиниб ишланиш талаб этади. Бунда ўқувчилар икки нафардан саккиз нафаргача кичик гуруҳларга бўлиниб, асосий ўқитирилади. Конверти ўзига қайтган ҳар бир ўқувчи саволини ўқиб, жавобларни изохлайди, тенгдошларининг жавобини алоҳида баҳолайди.

Ҳамкорликда ўқиш қоидаларига кўра:

— гуруҳга умумий битта ёки иштирокчиларнинг ҳар бирига бир турдаги вазифа берилади;

— иштирокчиларнинг баҳола-

ри йиғилиб, гуруҳга умумий битта баҳо қўйилади, яъни гуруҳ муваффақияти ҳар бир ишти-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

-

БОЛАМ БАХТЛИ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.)

СИГАРЕТНИНГ БИРИНЧИ ТОРТИМИ БИЛАН КИРАДИГАН БАЛО

Гиёҳвандлик деганда инсон онгини ва физиологик қувватларини сархуш ҳолатга солувчи моддаларни қабул қилиш тушунилади. Бу ўринда гиёҳвандликнинг инсон маънавиятига дахл қилувчи хусусиятларига диққатингизни тортамиз.

Гиёҳвандлик инсонни маънавий айнитувчи восита сифатида ғаламис кучлар томонидан тарқатилган ижтимоий иллатдир. Турли психотроп воситалар (ўсимликнинг кучайтирилган захарли унсурлари) ёрдамида инсонга рухий-маънавий ва жисмоний салбий таъсир кўрсатишга уринилмоқда.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, гиёҳвандлик балосига кўпроқ 13—16 ёшлар оралигидаги ўсмирларни тортишга ҳаракат қилинади. Чунки бу ёшдагилар қизиқувчан бўлади. Бошлаётган ишининг салбий оқибатларини ўйлашга улгурмайдиган, шовқалоқ бўлади. Натижада бор-йўғи икки марта гиёҳванд моддадан татиб кўрган ўсмир унга одатланиб қолади.

Гиёҳвандлик инсонни рухий-маънавий фалаж қилади. Бу эса соғлом фикрли кишиларни ташвишга солмоқда. Гиёҳвандликнинг мана бу шакллари таъкидлаб кўрсатиш мумкин:

1. **Кашандалик.** Дастлаб сигаретга ўргатиш ва кейин унинг воситасида гиёҳванд модда чекишга кўникириш.
2. **Ичкиликбозлик.** Дастлаб спиртли ичимликларга ва кейин унинг воситасида гиёҳванд моддани суюлтирилган кўринишига ўргатиш.
3. **Таксомания.** Кашандалик ва ичкиликбозлик босқинчилигидаги ўсмирларни суюлтирилган гиёҳванд моддаларни ҳидлаш орқали сархуш қилиниши ўргатиш.
4. **Наркомания.** Гиёҳвандликнинг энг олий кўриниши, бу иллат махсус даволаш йўли билангина бартараф қилиниши мумкин.

Гиёҳвандлик энг аввало сигаретнинг биринчи тортимдан бошланади. Сигаретдан аста-секин ичкиликбозлик, ундан сўнг эса ахлоқий бузуқлик оқибатида наша чекишга ўтилади. Аста-секин одам ҳуморини наша билан ҳам қондириб қолади — гиёҳванд моддани томирига уради...

Гиёҳвандликни болангизга қимлар, нега ўргатишди? Айрим жиноятчи шахслар олдиндан режа тузиб, ўзига тўқ оилаларнинг пулини шилиш учун мафкуравий имунитетни паст болаларини қурбонликка таллаб олади. Алдовлар билан гиёҳвандлик ба-

лосига торта бошлайди. Бунинг оқибатида:

1. Тарбияга эътиборсиз ота-онанинг баласини гиёҳвандлар егаллашади.
2. Оила бахтсиз бўлади.
3. Жамиятда жиноятчилик кўпаяди.
4. Миллатнинг генофонди бузилади.
5. Давлатнинг иқтисодий кудратига катта зарар етади.

Улар болангизни қандай аврашади?

1. "Мана буни бир татиб кўр. Кўркма. Ҳеч нарса бўлмайди. Ёкмаса, хоҳлаган вақтда ташлайсан", деб ишонтитишади.
2. "Агар мана буни бир татиб кўрсанг, шунақа мазза қиласанки..." деб алдашади.
3. Қасддан гиёҳвандликка ўргатиш учун турли ўйин-кулги, маишатли давраларга ўз ҳисобидан таклиф этади. Бошида. Болангизни ўз тузоғига туширгунча.

Оқибат: 1. Гиёҳванд модда бола организмни захарлайди. Тана ва бош мия фаолиятини бузиб, қайта тикланмайдиган ўзгаришларни юзага келтиради.

2. Боланинг ақли заифлашади, хотираси саёзлашиб, билим ва маълумотлар қабул қилиш қобилияти пасаяди.

3. Боланинг ҳаётга қизиқиши сусаяди. Бирор касб эгаллаш лаёқати йўқолади.

4. Рухий-маънавий ва жисмоний емирилади.

5. Иродасиз, ўзини бошқара олмай, наркотик сотувчиларга тобе бўлиб қолади.

6. Ижтимоий фаолиятдан, одамгарчиликдан чиқиб қолади.

7. Бор-будини сотиб, қашшоқ бўлган одам ўғирлик, талончилик, босқинчилик каби жиноят кўчаларига бўйлайди.

8. Гиёҳванд одамдан ақли заиф, майиб ва мажруҳ болалар туғилади.

Оилада гиёҳвандликка қарши маънавий-мафкуравий курашиш учун:

- а) гиёҳвандликнинг аянчли оқибатлари ҳақида ҳар бир оила аъзосини, қўшниларни огохлантириш;
- б) гиёҳвандликка қарши буклет, видео-роликларни болалар билан бирга кўриш, муҳокама қилиш;
- в) ўсмирларни мактабдан ташқари таълим муассасалари, тўғарак ва спорт клубларига кенг жалб этиш лозим.

Ҳар бир фарзандимизга ўзининг бўш вақтидан тўғри ва унумли фойдаланиши учун шароит яратайлик. Токи ёшларимизнинг бўш вақти душманларнинг иш вақтига айланиб қолмасин.

(Давоми бор.)

Мухаммад ҚУРОНОВ,
педагогика фанлари
доктори, профессор

Қайсидир китобни ўқиб ўзингни қайта тугилгандек сезасан ёки ҳаётинг буткул ўзгариб кетади. Чунки сўзинг таъсири ҳамма нарсадан кучли. Биз ўз йўлимизни ўқиган китобларимиз орқали топамиз, десак муболага бўлмайди. Дени Дидро айтганидек: "Одамлар китоб ўқишдан тўхтасалар, фикрлашдан ҳам тўхтайдилар". Дунёдаги жамики тирик жонотлардан инсон ақли, фикр юртиш қобилияти ила ажралиб туради. Чунки одамлар китоб ўқийди. Китобдан юз ўгириш ўзигидан тониш билан баробар. Беминнат дўстга кўпол муносабатда бўладилар эса яхши инсонлар сирасига қирмайди. Асрлар оша

— Ёшларимизнинг кам китоб ўқишдан шикоят қилгандан кўра китоб рекламасини кучайтириш керак, — дейди Бердақ номлидаги Қорақалпоқ давлат университетининг журналистика факультети ўқитувчиси Тамара Машаринова. — Ҳар қандай яхши асарнинг тақдироти ўтказилиб, шунга мос яхши тақризлар ёзилиб, реклама роликлари газета-журналлар қатори телевидение ва радиода ҳам бериб борилса, яхши самара бериши сўзсиз. Бозор шароитида махсулотнинг сотилиши яхши рекламага бо-

ратилиб, жами 153 номдаги газета-журналларга обуна бўлганмиз. "ZiyoNET" тармоғига уланган интернет хонасидан эса қўшимча маълумотлар олиш имкони бор. Хуллас, АРМда талаба ёшларнинг кўнгилдагидек ўқиб-ўрганишлари учун барча шароитлар яратилган. Ижтимоий, табиий фанлар, чет эл адабиётлари, маъруза матнлари, интернет хоналари, электрон кутубхона, матбуот каби 550 ўринга мўлжалланган 10та ўқув залимиз бор.

Ахборот-ресурс маркази-

ЎҚИГАН — ЯХШИ, УҚҚАН УНДАН ҲАМ ЯХШИ

лик экан, демак, бу иш билан профессор-ўқитувчилар қатори кутубхоначилар ҳам шуғулланиши мақсадга мувофиқ.

Яқинда ушбу олий таълим муассасасида "Китоб — билим манбаи" номли очик эшиклар кунли ўтказилди. Унда АРМ фаолияти, сайт ангилари ҳақида кенг миқёсда тушунтириш ишлари олиб борилди, қатнашувчиларнинг қатор саволларига жавоб берилди. "Олтин фонд" кўргазмаси ва янги китоблар тақдироти ҳамда АРМ бўйлаб ўтказилган саёҳат "китобхумор"лар сонини яна ҳам ортиқлаштиришга шубҳа йўқ. Биз ҳам ўз навбатида семинар баҳо-на бу ерда қилинаётган ишлар, яратилаётган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдик.

АХБОРОТ РЕСУРС МАРКАЗИ ИМКОНиятлари

Университетнинг ахборот-ресурс маркази 500817 китоб фондига эга. Фонд 326737 дарслик ва ўқув қўлланмалари, 95631 илмий адабиётлар, 34568 бадиий адабиётлар, 34897 ижтимоий-сиёсий адабиётлардан ташкил топган. Ахборот-ресурс маркази хизматидан фойдаланувчилар сони ҳозир 9600га яқин.

— АРМ 2013 йили 182 номдаги 3089 янги адабиётлар билан тўлдирилди, — дейди АРМ раҳбари Ансемет Абдифуратов. — Университет профессор-ўқитувчилари томонидан 10 номдаги 194 донга ўқув адабиётлари бепул топширилди. Ҳозир АРМда 260 номдаги 295 донга кам учрайдиган, 412 номдаги 971 донга қимматбаҳо адабиётлар сақланмоқда. Шунингдек, 2014 йили учун 29354995 сўм аж-

нинг электрон кутубхона бўлимида 24107 электрон дарслик, ўқув-услувий қўлланмалар бўлиб, университет профессор-ўқитувчилари томонидан ишланган 2320дан ортик электрон маъруза матнлари, 3128 ва 800дан ортик очик дарс ишланмалари ва бошқа олий ўқув юртиларидан, интернетдан олинган маълумотлар тўпланиб, улар бугунги кунда яна ҳам бойитиб боришмоқда.

Ахборот-ресурс марказининг ахборот технологиялари бўйича етакчи мутахассислари Азамат Алучиев ва Насиба Абдуллаева Тошкент ахборот технологиялари университетида КАРМАТ-У (Корпоратив ахборот-ресурс маркази автоматлаштирилган тизими) бўйича ўқув курсига муваффақиятли қатнашиб келиб, ўз навбатида университет АРМ ходимлари қатори профессор-ўқитувчи ва талабаларни янги техника имкониятлари билан яқиндан таништириш мақсадида махсус семинарлар ташкиллаштириб келишмоқда.

— Интернет тараққиёти ахборот аламинини тезлаштиргани ҳеч кимга сир эмас, — дейди Азамат Алучиев. — Замон талабига мос ўйлаб топилган мазкур дастур талаблар вақтини тежайди. Фойдаланувчиларнинг шахсий кабинети яратилиб, талаба уйида ўтириб ҳам ўзига керакли адабиётлар учун буюртма бериш, олиш имкониятига эга бўлади. Ҳозирги кунга қадар университет АРМ КАРМАТ-У дастури базасига 19700 номдаги ўқув адабиётларини киритдик. Бу борада республикамиздаги олий ўқув юртилар орасида 11-ўринда турибмиз. Келгусида олдинги учликдан жой олиш ниятимиз бор.

2014-yil — Sog'lom bola yili

бугунги кунгача етиб келган ота-боболаримизнинг дил изҳори, бебаҳо маслаҳатларини авайлаб-асраб келгуси авлодларга етказиш олий бурчимиз эканлигини ҳис қилишимиз керак.

Китоб ҳақида китоблардагидан ортик нима ҳам айта олардик. Атоқли адиб Асқад Мухтор «Китоб — бойлик, сотиб олингани эмас, ўқилгани», деганидек, бугунги кун ёшларининг мутолаа маданиятини қандай эгаллаётгани билан қизиқдик.

ЎҚИЛМАГАН КИТОБЛАР

— Қачондир хато қилсам, ниманидир билмай, имтиҳондан паст баҳо олсам, — дейди тарих ва ҳуқуқшунослик мутахассислиги 4-курс талабаси Азамат Шинибеков, — маълумиятим боиси ўқилмаган китоблар эканини ҳис қилсам. Баъзан уйга вазифини бажаришга эриниб, эртага қолдирамиз. Эртанинг эса ўз иши бор. "Қолган ишга қор ёғар", деганидек, вақтида ўқилмаган китоблар бй берилган катта ҳазина ҳисобланади.

Қадимдан инсонлар ерларни, нарсаларни ўзлаштирган. Моддий нарсаларга эғалик ҳисси аслида барча тирик жонотларга хос. Қачонки билимини ўзлаштиришга, уни қабул қилиб, мушоҳада юритиб, фикран бойитиб, қайта ишлаб чиқишга эришилса, буни ҳақиқий тараққиёт, юксак инсонийлик белгиси дейиш мумкин.

Айни дамда олий таълим муассасасига ўқишга кириш мақсадида кўплаб китоб ахтариб, тинимсиз изланиб, турларни бедор ўтказётган ёшлар ўз бахтини билимлар дунёсидан излаётганига қувончланасан киши.

— Баъзан қийин саволларга бир неча кун давомида жавоб излашга тўғри келади, — дейди Айсанам Усенова. — Чараб турганида жавоб топила, худди тилла топандек бўлсан. Яна изланиш давом этади. Асосийси — бу билимлар хотиранида муҳрланиб қоларкан. "Ҳар қандай фан ўзлаштиргунча қадар қийин", дегани тўғри, лекин бу машаққатли меҳнатнинг ўз гаши, роҳати бор.

Шундай китоблар борки, ўқиб тугатмагунча қўлдан қўйинг келмайди. Тонг отиб, тун бўлганини билмай қолсан киши. Неча кунлар давомида асар таъсирида яшайсан. Воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиб, ўзига хос хулоса чиқарсан. Фикрлайсан. Демак, тафаккур соғлом. Шу ўринда бир фикр туғилди: соғломликка талпинган инсонлар спорт заллари билан бирга кутубхоналарга шошиллади. Миллатнинг бойлиги, боқийлигини кутубхоналарнинг гавжумлиги билан белгиласак нима дейсиз?

Фотима ҚАЙИПОВА,
КДУ магистранти,
Несибели
МАМБЕТИРЗАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

2014-yil 2-aprel, № 27 (8676)

San'at va siyrat

Фарзандингиз расм чизаяпти. Кувонинг!
Чунки бу унинг ўйлаётгани, фикрлаётганидан далолат. У фикрини тасвирий санъат воситасида намоён қилаяпти. Бу бола шахси шаклланиши босқичида ўта муҳим дидактик жараён. У расм чизиш машғулотларига ҳамоҳанг тарзда гапириш(аниқроғи, мантиқий гап тузиш), санаш, шеър айтиш, куйлаш, кимларгадир тақлидан "роль ижро этиш", рақсга тушишни уддаласа, икки ҳисса кувонишга арзийди.

БОЛАНГИЗ РАСМ ЧИЗАЯПТИ!

Унга қандай кўмак бериш мумкин?

Тажрибадан аёнки, аслида барча болалар расм чизади. Аксарият ҳолларда таъмирланган, қимматбаҳо бўёқ берилган, гулқоғоз ёпиштирилган девор ёки керакли қоғоз ажабтовур ранглارга бежалади. Бу "ижодкор"лиги учун болани жазолаш эмас, унга хайрихоҳ бўлиш керак. Улар ўта берилиб, диққатини жамлаб, атрофдагиларни унутиб, расм чизади. Бу ҳали келажада у рассом, наққош, дизайнер бўлади, дегани эмас. Аммо ота-оналарга шу нуқтада — педагогик билим, тарбиячилик борасида муайян даражада малака зарур. Махсус кузатишлар олиб бораётган мутахассислар айни шу жараёнда қуйидагича ёндашиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлашади.

Ижодий ёндашув омили

Болага яхши, сифатли ўқув қуроллари олиб бериш лозим. Негатив сифатли ўқув қуроллари деярлик? Негатив, деворга расм чизишдан кўра, сифатли қоғозга чизиш ҳар томонлама ёқимли. Боланинг фломастердан фойдаланиши тўғриси. Чунки ёрқин ранглар боланинг иштиёқини ошириб, жиддий ёндашувга ундайди.

Қора қалам энг универсал ўқув қурол бўлса-да, унинг имкониятлари чекланган. У боланинг ҳавасини ошириш, фантазиясини рўёбга чиқариш имконини бермайди. Рангли қалам ҳам уларнинг сеvimли куроли, лекин ёрқин ранглар сингари болани завқлантирмайди.

Ҳамкорлик педагогикаси

Бола билан ишлашда "ҳамкорлик педагогикаси" деб аталувчи принципга амал қилиш унинг қобилиятини юзга чиқаришда муҳим ўрин тутаяди.

— биргаликда, унинг қўлини ушлаган ҳолда расм чизинг;

— мустақил чизилган расмга тузатиш, қўшимча қиритиш жараёнида ўта эҳтиёткорликка, педагогик тактга амал қилиш керак. Бола мурғак тасаввурда чизгиларини ўзича тугалланган "асар" ҳисоблайди. Шунинг учун бу жараёнга бевосита бола эътиборини жалб этиб, уни саволга тутиш яхши самара беради. Манзара портретга қўшимча қиритиш ҳам маъқул йўл.

Болага мавзу бериш аста-секин ундан янги фикрлар чиқишига, мазмунли расм чизиш кўникмалари шаклланишига сабаб бўлади.

Бирор шакл чизиб, уни давом эттиришни, мантиқий яқунлашни ўргатиш болани таҳлил қилишни ўрганишга ундайди. Масалан, "Автопортретим" деб, одам тасвири чизинг. Қошларингиз қалин ва узун. Аммо расмда қош билинар-билинмас. Бола камчиликни топса, демак, унда синчковлик қобилияти аста-секин шаклланиаяпти. Ёки "Дадам ишга кетаяпти" мавзуда композиция чизинг. Сиз ишга доимо галстук тақиб, портфел кўтариб кетасиз. Композицияда эса бу акс этмаган. Болани йўналтирувчи саволлар орқали камчиликларни топишга ўргатиш зарур.

Расмда нима акс этган?

Болаларда оғзаки нутқ тўлиқ шаклланиши учун талай вақт ўтади. Унга ўзи чизган расмни шарҳлаб беришни, фикрини ҳимоя қилишни ўргатиш ўша нутқий камчиликларни бартараф этишда қўл келади, ичидагини «суғуриб» олишга ёрдам беради. Уни тасвирий санъат асарлари кўргазмасига етаклаш ҳам фойдалан холи эмас. Томо-

ша чоғида «Расмда нима акс этган?» деб сўраш, яна — таниш рассом, педагог, психолог, санъатшунос ва тарбиячилар билан маслаҳатлашиш унинг дунёқараши кенгайишига таъсир кўрсатади.

Эски расмларни ташламай, уни тақомиллаштириш борасида боланинг фикрларини билиш ва ҳаракатга ундаш ҳар бир болани фаоллаштиради. Бу эса унинг келгуси ҳаётида ҳам изчил ишлашига туртки беради.

Ваҳоланки, ранг ва шакл ўйинлари ўтказиш, ранглари фарқлаш улардан жойида, мақсали фойдаланиш кўникмаларини пайдо қилади.

Богча ёшидаги болаларнинг қуриш-ясашга оид уқувини ўстиришга мўлжалланган махсус ишлаб чиқилган дидактик воситалар мавжуд. Муҳандис-



Бола ўз имкониятларини тўғри баҳолаши лозим, қўлидан келмайдиган топшириқ уни зўриқтириши, аксинча, имконияти даражасида юклама бермаслик бола ривожланишини чеклаши мумкин. Ижодий ишда уни эркин қўйиш қўтилган натижани беради. Боланинг расм чизиши унинг истиқболдаги касби эмас, балки дунёни англаш жараёнидир.

лик уқуви турли шакллар ясаб, болани қўшимча қиритишга ўргатиш орқали амалга оширилади. Бу болада ижодкорлик, лойиҳалаш, тартибли ишлаш кўникмаларини шакллантиришда муҳим омилдир.

Бўйш учун махсус нашр этилган китобчалардан машғулотларда фойдаланиш болаларни шаклнинг силует чизикларидан ташқари-га чиқариб юбормай бўйш орқали тартибга, ранглари ўринли ишлатиб мантиқий фикрлашга ўргатади.

Дарвоқе, дарахт танасининг қийшайган қисми туя бўйнига, бошқа бир дарахт учи кийик шохига ўхша-

ши, булутдан кучукча, айиқ, одамнинг шаклини топиш мумкинлигига бола эътиборини қаратиш унинг хотирасини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Албатта, бола билан ижодий ҳамкорлик қилишда тарихий шахслар образларини яратган рассомлар, ҳайкалтарошлар ва уларнинг асарлари ҳақида сўзлаб бериш ҳам фойдалан холи эмас. Масалан, Ўзбекистон халқ рассомлари — Малик Набиевнинг "Амир Темури портрети", Акмал Икромжоновнинг "Мирзо Улуғбек портрети", Тўра Қурёновнинг "Жалолидин Мангуберди" асарини, Илҳом Жабборовнинг Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида ўрнатилган Амир Темури ҳайкаллари, Равшан Миртожиевнинг Токио, Москва, Боку шаҳарларида ўрнатилган Алишер Навоий ҳайкаллари

қўплаб мавзулар олишлари мумкин.

Аёнки, чизилган расмда бола ички "мен"ининг дастлабки сийрати акс этади. Бу жараён тарбиявий жиҳатдан ўта муҳим. Ўғил болаларда ҳарбий техника, ўқ отиш, совуқ қуролларнинг тасвири, ҳар хил суперқаҳрамонларни, қиз болаларда калта юбка, торшим кийган қизалоқларни чизишга мойилликни сездингизми, демак, сиз «профилактика» ишларини кечиктирмай амалга оширишингиз лозим бўлади. Зеро, тасвирий фаолият мазмунда тажовузкорлик, шайқатсизлик, ҳаёсизлик элементлари бўлмаслиги лозим.

Расм чизиш асносида мақташга арзигулик жиҳатларни топиб, болани рағбатлантириш керак. Аммо мақтов метёридан ошмасин. Чунки ортиқча мақтов боланинг ҳавойи, ўз имкониятларини юқори баҳолашига сабаб бўлиб, салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

Бола ўз имкониятларини тўғри баҳолаши лозим, қўлидан келмайдиган топшириқ уни зўриқтириши, аксинча, имконияти даражасида юклама бермаслик бола ривожланишини чеклаши мумкин. Ижодий ишда уни эркин қўйиш қўтилган натижани беради. Боланинг расм чизиши унинг истиқболдаги касби эмас, балки дунёни англаш жараёнидир.

Олимларнинг таъкидлашича, уйдаги тасвирий санъат асари боланинг ақлий ва эстетик ўсишига олиб келади. Уни алмаштириб туриш картинадаги образ ё воқеликни англаш, идрок этиш, унга муносабат билдиришга сабаб бўлади.

(Давоми 16-бетда.)

Замонавий таълим шароитида умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг мустақил ишлаш фаоллигини ошириш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, замон талабларига мос халқаро андозадаги ўқув жараёнини ташкил этиш илғор педагогик технологиялар ҳамда янги авлод ўқув адабиётларидан фойдаланишни тақозо этади.




лаб ўқувчилар билими 6 баллик тизимда баҳолаб борилади. Бунда 1 — аъло, 2 — яхши, 3 — қониқарли, 4 — етарли, 5 — етарли эмас, 6 — қониқарсиз баҳога тенг. Ўқувчилардан фанларни ҳеч бўлмаганда «4»га ўзлаштириш талаб этилади. Бошланғич босқичда болаларга математика, немис тили, табиатшунослик, мусиқа, эстетика фанлари ўқитилади.

Германия таълим тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, ўқувчилар бошланғич синфни тугатиб қелажак йўлини аниқлаб олиши ке-

Xorijda ta'lim

бир неча фанни чуқур ўрганишга сарфлайди. Гимназия — олий таълимга тайёргарлик кўришининг ҳал қилувчи босқичи саналади. Чунки, гимназияни тугатганлик тўғрисидаги имтиёзли шаходатнома университетга имтиҳонсиз кириш ҳуқуқини беради. Бунда ўқувчининг ўн уч йил давомидаги кўрсаткичлари ҳамда гимназиядаги ихтисослашган тўртта фан бўйича якуний имтиҳон баҳолари инобатга олинади.

ЭРТА ИХТИСОСЛАШУВ ИЖОБИЙ САМАРА БЕРАДИ



Мамлакатимиз таълим тизимининг асосий бўғинлари ҳисобланган умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш ҳамда унинг бошқарувини янги модель асосида ташкил этиш ўзлуksиз таълим тизимининг асосий талабларидан биридир. Ушбу талабларга мос фаолият юритишда хорижий тажрибаларни ўрганиш, муваффақиятли жиҳатларини таълим тизимимизга мослаштирган ҳолда татбиқ этиш ўз самарасини беради. Куйида фикр юритмоқчи бўлаётганимиз Германия таълим тизимида ҳам ана шундай жиҳатлар талайгина.

«Pearson» рейтинг агентлигининг халқаро синов натижаларига кўра, Германия 2006—

илмий лойиҳалар ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилади.

Маълумки, Германия туғилиш кўрсаткичи паст мамлакатлар сирасига киради. Бунга сабаб аксарият янги турмуш курган ёшлар ўзига муносиб иш жойи топиб, мавқега эришиб, моддий имкониятларини мустаҳкамлаб олгандан сўнг фарзандли бўлишни хоҳлайди. Фарзанд кўрган кўрсаткичи иш жойи 3 йилгача сакланиши кафолатланган бўлса-да, аксарият аёллар тезда иш жойига қайтишни маъқул кўради. Шунинг учун аксарият oilаларда болалар бир ойдан сўнг энагалар қўлига ўтади ва 3 ёшгача уйда тарбияланади.

Ушбу мамлакатда мактабга таълим муассасалари давлат тасарруфида эмас. Болалар боғчалари хайрия жамғармалари, маҳаллий ҳокимият ҳамда нодавлат ташкилотлар васийлигида фаолият юритади. Шунингдек, корхона ва ташки-

ташкил этади», деган тушунча шаклланган. Ушбу атама улар онига болалигиданоқ сингдириб борилади. Масалан, аксарият ота-оналар телевизорни кўп вақт томоша қилиш бола соғлиги учун зарарли деб ҳисоблашади. Шу боис oilаларда 8 ёшгача бўлган болаларга имкон қадар телевизор кўриш тақиқланади. Айрим ота-оналар фарзандларига болалар телеканалларини томоша қилиш учун кунига 15—30 дақиқа рухсат беришади холос. **Болаларнинг қолган вақти асосан уйда ўйинчоқ ўйнаш, расм чизиш, мусиқа чалиш, шунингдек, бирор тўғарақ ёки спорт секциясига қатнаш билан ўтади.**

Германия ҳукумати бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига жиддий эътибор қаратган. Болаларга боғчадаёқ ўз ҳақ-ҳуқуқларини билдириш бўйича тушунчалар бериб борилади. Шунингдек, бола тарбиясида ота-оналарга ҳам кўп эркинлик берилмайди. Яъни, ота-оналар ёки тарбиячиларнинг болаларга қўл кўтариши, жисмоний жазолаши ҳамда овозини баланд кўтариши тақиқланган.

Мамлакат Конституциясига мувофиқ, мактаб таълими давлат назоратида. Мамлакатда 16та федерал ҳудуд мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида «Таълим тўғрисида»ги қонунига эга. Шу боис мазкур ҳудудларнинг мактаб таълими тизимида айрим фарқли жиҳатлар мавжуд. Масалан, аксарият ҳудудларда бошланғич таълим 4 йил (биринчи синфдан тўртинчига қадар), пойтахт Берлинда эса 6 йилни ташкил этади. Аммо шунга қарамай, барча ҳудудлар учун умумий тартиб-қоидалар амал қилади. Германияда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган фуқароларга мактаб таълими мажбурий ва bepул. Мактаб таълими тизими эса бошланғич, ўрта ва юқори босқичларга бўлинади.

Болалар 5-6 ёшдан бошланғич мактабга қатнайди. Мактабларда 1-, 2-синф ўқувчиларига баҳо қўйилмайди, маънавий педагоглар томонидан болаларга ўйин шаклидаги билимни оширувчи топшириқлар берилиб, уларнинг индивидуал, психологик ривожланишлари ҳусусида ҳисобот тайёрланади. 3-синфдан бош-



рак. Педагог ва психологлар кўмагида ўз қобилияти ва қизиқишига қараб ўқувчи турли соҳаларга ихтисослашган мактаблардан бирида ўқишни давом эттиради.

Ўқувчилар бошланғич мактабни тамомлагач, 9-синфгача таълим берадиган асосий мактабларга ўтишади. Бу турдаги мактаблар олий таълим муассасаларида ўқишни хоҳламайдиган, аммо бирор-бир касб эгаси бўлишни истаган ўқувчиларга мўлжалланган. Умумий фанлар бўйича билим беришчи таълим муассасаларида асосий эътибор амалий машғулотларга қаратилади. Асосий мактабни тугатган ўқувчиларга тугалланмаган ўрта таълим ҳақида шаходатнома берилмайди. Ушбу ҳужжат билан касб-хунар мактабларига кириш мумкин. Биздаги касб-хунар коллежларига ўхшаш мазкур мактабларда ўқувчи муайян касб-хунар бўйича билим олиб, тажриба оширади.

Реал мактаб — бу турдаги мактабларда математика ва табиий фанларга қизиқувчи, келажакда олий маълумотли му-тахассис бўлишни мақсад қилган болалар ўқийди. Мазкур мактабларда ўқиш 5-синфдан 10-синфгача давом этади. Бу муддат мобайнида ёшларга турли фан соҳалари бўйича кенгайтирилган билим берилади. Реал мактабни тугатган ўқувчилар ўқишни гимназияда давом эттиради.

Ўқувчилар ўрта таълимнинг энг муҳим бўғини бўлган гимназияларда 5-синфдан 13-синфгача ёки реал мактабнинг 10-синфини тамомлаб уч йил ўқиш имконига эга. Мазкур таълим даргоҳида гуманитар, табиий фанлар ва хорижий тиллар чуқур ўргатилади. Ўқувчилар ўн биринчи синфдан танлаб ўқилишидан келиб чиқиб, асосий вақтини

Германияда давлатга қарашли мактаблар билан бирга хусусий таълим муассасалари ҳам фаолият юритади. Хусусий мактаблар ўрта таълим масканларининг 2 фоизини ташкил этади. Ўқув дастурлари аънавий мактаблардан фарқ қилувчи хусусий мактабларни Федерал таълим ва маданият вазирлиги назорат қилиди. Хусусий мактабларда саноат, тил, гимнастика, ўй ҳўжалиги каби ихтисослашган йўналишларда таълим берилди. Нодавлат таълим масканларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Хусусий мактаблар уюшмаси» ташкил этилган. Шунингдек, ногирон ва имконияти чекланган болалар учун махсус мактаблар очилган. Германия мактабларида хорижий фуқаролар ҳам таълим олиши мумкин. Хорижликларнинг маҳаллий шарт-шароитга мослашиши, немис тилини пухта ўзлаштириши учун тайёрлов курслари ташкил этилган.

Истеъдодсиз боланинг ўзи йўқ. Немис педагоглари бу фикрга қатъий амал қиладилар. Шу боис Германияда ҳар бир ўқувчининг очилмаган қирраларини кашф этиш, уларда янгиликка интилувчанлик фазилатларини тарбиялашга катта эътибор қаратилади. «Фикрлашганимни, демек, яшаяпман!» деган экан машҳур файласуф Рене Декарт. Олмон мактабларида ана шу фикр олтин қойдага айланган. **Педагоглар олдинга энг биринчи навбатда ўқувчининг, ҳатто хато бўлса-да, мустақил фикрга эга бўлишига эришиш мақсади қўйилади.** Таълим жараёни эса ота-она ва ўқитувчи ўртасидаги узвий ҳамкорликка таънади.

Жавлон АБДИКАЮМОВ,
мустақил тадқиқотчи



2010 йиллар ораллигида дунёда таълим тизими ривожланган мамлакатлар орасида кучли ўнналикдан жой олган.

Германиянинг таълим тўғрисидаги асосий қонунида ҳар бир фуқаро ўз қизиқиши ва қобилиятига кўра таълим муассасасини танлаши ҳамда мутахассислиги бўйича фаолият олиб бориши шарт, деб белгилаб қўйилган. Саноати ривожланган мамлакатлардан бири саналган Германияда ҳар доим етуқ кадрларга эҳтиёж сезилади. Шу боис мамлакатда иқтидорли ёшларни саралаб олиш мақсадида турли соҳалар бўйича кўплаб грантлар,

лотларнинг ҳам ўз боғчаси бор. Мактабга таълим тизими 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. Алоҳида аҳамиятга эга жиҳати, мактабга таълим муассасаларида махсус билимлар берилмаслигидир. Эрта тонгдан то тушга қадар фаолият кўрсатувчи муассасалар болаларнинг вақтини мароқли ўтказишгагина хизмат қилади. Болалар тенгдошлари билан мулоқотга киришиб, вақти чоғлиқ қилгуналарча ота-оналар ёки энагалар ҳам ўз ишларини бажариб оладилар.

Германияликларда «жаётнинг ярмини тартиб-интизом

ДОПЗАРЬ МАВЗУДАГИ ДАРСЛИК

M.X. HAKIMOV, M. GAYNAZAROV
BERILGANLAR BAZASINI
BOSHQARISH TIZIMLARI



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган М.Хакимов ва С.Гайназаров муаллифлигидаги «Берилганлар базасини бошқариш тизимлари» китоби юқори малакали мутахассислар тайёрлашга хизмат қилади.


Дарсликда ўқув материалларининг кетма-кетлиги, ҳажми, баёни, назарий жиҳатдан чуқурлиги ва амалий томондан талабалар танлаган йўналиши доирасидаги билим, малака ва кўникмалар қатъий тарзда ҳисобга

олинган. Дарслик еттита бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бир бўлимга мақсадли ёндашилган.

Китоб катта педагогик маҳорат билан ёзилган, қўлланилган услуб талабаларнинг осон тушуниш ва ўзлаштиришини таъминлайди. Дарсликнинг самарадорлигини ошириш мақсадида 360 дан ортиқ иллюстратив материал (жадвал, чизма, расм) берилган.

Муаллифлар томонидан катта илмий-амалий ва ижодий меҳнат қилинган, китобдан фақат ахборот-коммуникация технологиялари йўналишида тайёрланаётган кадрлар эмас, балки бошқа соҳада ишлаётган мутахассислар ҳам фойдаланса, малака ва ўқувлари мустаҳкамланади.

Х.ШОДИМЕТОВ,
Тошкент темир йўл
муҳандислари
институтининг
кафедра мудири



«Маънавият» нашриёти томонидан таниқил ижодкор Муртазо



«ФАСЛИ НАВБАҲОР ҲАҚИДА...»

Ўзбекистон халқ артисти, Фарғона давлат университети профессори Султонали Манноповнинг «Фасли навбаҳор ўлди...» рисолада улуг санъаткор Таваккал Қодиров ҳаёти қаламга олинган.

Рисола элнинг севишли фарзанди портретига шунчаки чизилардангина иборат эмас. Унда машҳур ҳофизнинг ҳаёт йўли, хотиралар жонли ва бадий маҳорат билан тасвирланган. Уларни ўқисангиз, ҳофизни, аввало, эзгу ғазилатлар қатори камчилик ва нуқсонлардан холи бўлмаган оддий инсон сифатида танийсиз, беихтиёр унга бўлган меҳрингиз, ҳурматингиз янада ортади. Ўша бетакдор соҳир овоз қўлуқларингиз остида жаранглаб, қалб торларингиз нозик титрай бошлайди:

Фасли навбаҳор ўлди,

кейибон зимистонлар,

Дўстлар ғаниматдир, сайр этинг гулистонлар.



«Ўзбекистон булбули» дея эътироф этилган устоз санъаткор яратган қўшиқлар бугун халқимизнинг улкан маънавий мулкига айланган. Ҳофизнинг турли йилларда қўйилган қўшиқлари дастури, шеърӣ ва нота матнлари, ибратга арзигulik ҳаёт йўли акс этган китоб кенг китобхонлар оммасига манзур бўлади. Айниқса, санъат оламига эндигина кириб келаётган ёшларга тўғри йўлни танлаб олишларида асқотадди.

Ҳар бир инсон устозидан бир умр қарздор. Шу маънода «Фасли навбаҳор ўлди...» рисоласи муаллифнинг ўз устози олдидаги шогирдлик ва инсонийлик бурчини адо этиш — улуг санъаткор ҳаёти ва ижодини абадийлаштириш йўлидаги бир уринишидир.

Нафиса МИРЗААЛИЕВА

ҚЎШИМЧА АДАБИЙ МАНБА



Мақтаб ўқув дастурига ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва маънавиятини янада бойитиш мақсадида жаҳон адабиёти намояндалари ижодидан намуналар ҳам киритилган. Жумладан, 7-синф адабиёт дарслигида таниқил асар шoirи Расул Ҳамзатовнинг «Она тили» ва «Кенжа неварам Шахрига» шеърлари берилган.

Шoir ижодига қизиққан ўқувчилар ва шу мавзуда очик дарс шаклида ўтмоқчи бўлган ўқитувчилар қайси адабий манба

га мурожаат этишлари керак? Бунда уларга яқинда «Davr press» нашриёт-матбаа уйи томонидан чоп этилган Расул Ҳамзатовнинг «Мен юз қизга шайдоман» китоби (Асрор Мўмин таржима-си) шундай муҳим манба вазифасини ўташи мумкин. Китобдан дарсликка киритилган асарлардан ташқари шoirнинг «Турналар», «Цада қабристонни», «Қутлуг бир соат» каби машҳур шеърлари, сара сонетлари, саккизликлари, тўртликлари, ёзувларидан намуналар, «Беш панжа» ва «Шомил

нинг муҳаббати» дostonлари жой олган. Ўзбек китобхонлари севиб ўқибган шoirнинг «Оналарни асранг» dostonи ва «Менинг Доғистоним» бадиясидан олинган ҳикматли-ибратли парчаларга ҳам кенг ўрин ажратилган.

Ўйлаймизки, маскур китоб шoir ижоди муҳлисларига ажойиб тўхфа бўлиши билан бирга, Расул Ҳамзатов асарлари ихлосмандлирга муҳим адабий манба вазифасини ҳам ўтайди.

Диёра ҒАҒҒОРОВА

КЎНГИЛ ГЎЛДАСТАСИ

ти ва ҳаёт тарзидан келиб чиқиб ифодаланган.

Муаллиф «файзу барака», «ободлик» тушунчаларини таҳлил қилар экан, шундай дейди: «...дунёнинг турли мамлакатларида тараққиёт борасида юксак даражада кўтарилган шахарларни, улардаги ақлни лол қолдирадиган бинолар, йўллар ва кўприкларни кўрганда, «обод юрт» деган ибора беихтиёр ҳаёлимиздан ўтади. Лекин бундай юртларда икки-уч кун юрганимиздан сўнг бу ободликка нимадир етишмаётгандек бўлаверади. Кейинчалик англаймизки, бу халқимиз, юртдошларимизнинг биз болалиқдан кўникиб, ўрганиб қолган очик чехраси, самимий сўзлари, қисқача айтганда, она юрт меҳри. Яъни, ҳақиқий ободлик — инсоннинг нафақат моддий эҳтиёжлари, балки маънавий эҳтиёжларини ҳам қондирадиган, кўзни ҳам,

кўнглини ҳам қувонтирадиган ободликдир».

Рисолада оммавий ахборот воситалари, жумладан, хосий теле-радиоканалларда тил меъёрлари бузилиши ҳолатлари жуда кўп учраётгани аниқ мисоллар орқали танқид қилинади. Эфирда ўзбекона ахлоқ-одоб меъёрларига зид сўзлар доимий равишда ишлатилаётгани, спорт шарҳловчиларининг хато ва камчиликлари дилни хира қилаётганини муаллиф қуюнчақлик билан баён этади.

Рисола ҳам бадий, ҳам илмий-оммабоп нашр сифатида маънавият-маърифат, фалсафа, қадриятшунослик соҳасида фаолит юритаётган мутахассислар, олий ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабалари, кенг китобхонлар жамоатчилигига манзур бўлиши шубҳасиз.

Дилфуза МАҲКАМОВА

БЕШ ҚИССАДА БЕШ ҚИССАТ

Мамлакатимиз олий ўқув юртлари илмий-педагогик кадрлари орасида дарслик, қўланма, рисола яратган ва айна пайда бадий ижод билан шуғулланиб келаётган профессор-ўқитувчилар кўпчилигини ташкил қилади. Тошкент давлат санъат ва маданият институтида узоқ йиллардан бери фаолият кўрсатиб келаётган Эркин Худойбердиевнинг 10дан ортиқ илмий монография ва қўланмалари чоп этилган. У кишининг «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази томонидан чоп қилинган «Жиноятга жазо муқаррар» китоби китобхонлар маънавий мулкига айланадиган тўпلامдир.

Халқимиз азалдан ҳалол меҳнат билан кун кўришга, бориға қаноат қилишга одатланган. Лекин орамизда меҳнатсиз бойлик орттириш, ишламасдан қинғир йўллар билан мўймай даромадга эришиш учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган инсонлар ҳам учрайди.



Эркин Худойбердиев қаламига мансуб қиссаларда бойлик қўтуқси билан минг кўйға тушиб, нафақат ўзи, балки яқинлари ҳаётини ҳам захри-заққумга айлан-тирган айрим кимсалар қилимишдан ҳикоя қилинади.

Китобдан ўрин олган беш қисса беш хил қисматни, беш хил фожиани акс эттиради. Нопоклик ва жиноятни ҳеч қандай йўл билан бекитиб, оқлаб бўлмаслиги ўқтирилади.

Хулқар ТҲИМАНОВА

«Зарафшон» нашриёти СамДУ профессори З.Муқимовнинг «Давлат ва ҳуқуқ назарияси муаммолари» ўқув қўланмасини нашрдан чиқарди. Ўқув қўланма давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг методологик масалаларига бағишланган.

ЗАРУРИЙ ҚЎЛПАНМА

Тармоқ юридик фанлар методологиясининг ўзига хос усуллари таҳлил этилганки, бу иш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Қўланмада фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат, ҳокимият ва бошқарув масалалари батафсил таҳлил этилган.

Муаллиф ўқув қўланмасини ёзишда янги авлод ўқув адабиётлари олдида қўйилган талаблар, дастур талаблари ҳамда махсус курсга ажратилган соатларни ҳисобга олган. Ҳуқуқшунослик ихтисослигини эгаллаётган талабалар ва магистрантлар таълим жараёнида ундан унумли фойдаланса, билим даражалари янада кенгайишига ишонамиз.

Мусо ЙЎЛДОШЕВ,
профессор,
Муҳаммаджон ҚЎЛДОШЕВ,
доцент

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА



Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази томонидан «Ешлар

нинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш» рисоласи чоп этилди.

Ушбу рисола академик лицей ва касб-хунар коллежлари педагоглари, ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий маданияти тушунчаси, мазмун-моҳияти ва ўзига хос томонларини чуқур тушунишлари учун имконият яратди. Рисоладан кенг омма иш жараёнида ҳам фойдаланиши мумкин.

Тадқиқотда ёшлар ҳуқуқий маданиятининг бир қатор илмий ва амалий муаммоларини ёритишга ҳаракат қилинган. Мавзунинг ёритишда муаллиф Ўзбекистон Рес-

публикаси Президенти асарларидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, амалдаги кодекс ва қонунлардан, ҳуқуқшунос олимларнинг сўнги йилларда чоп этган китоб ва мақолаларидан, ижтимоий сўровномалар натижаларидан ҳамда шу мавзуга тегишли бошқа адабиётлардан фойдаланган.

Тўпلامда ёшларнинг ҳуқуқий маданияти муаммолари янги шароитдан келиб чиққан ҳолда таҳлил этилган. Ундан тарбиявий жараён билан шуғулланувчи бошқарув тизимида, оилада, жамоат ташкилотларида, ўқув

юртларида фойдаланилса, фойдадан холи бўлмади.

Шунингдек, ёшлар ҳуқуқий маданияти тушунчаси, унинг моҳияти ва ўзига хос томонларини шакллантиришда жамоатчиликнинг тўтган ўрни китобда кўрсатиб берилган. Бундан ташқари, оила, ёшлар тарбияси ва маҳалла ҳақида мутафаккирларнинг қимматли фикрлари, ҳикматли сўзлари ва афоризмлари китобхонларга тақдим этилган.

А.ИСМАТУЛЛАЕВ,
ТошДУ ақолидаги
Қиёрай академик
лицейи ўқитувчиси

ФИНАЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ АНИҚЛАНМОҚДА

(Давоми.
Боши 1-бетда.)

— Наманган шахрида ўтказиладиган мусобақаларнинг ҳудудий саралаш баҳсларининг ўтказилиш тартибига биров янгилик киритилди, — дейди Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази масъул ходими Саъдулло Курбонов. — Илгари қоидаларга кўра, жамоавий спорт турлари бўйича сўнгги саралаш мусобақалари географик жойлашуви ҳисобга олиниб, беш ҳудудга бўлинган ҳолда ўтказилиб, унда ғолиб чиққан 5 жамоа финал bosқичига йўл олارد. Эндиликда бир спорт тури бўйича барча вилоят жамоалари бир ҳудудга йиғилади ва қўрға ташлаш йўли билан 4 гуруҳга бўлинади. Ўз гуруҳида энг яхши натижага эришган 1- ва 2- ўрин соҳиблари плей-оффга чиқади.

Хабарингиз бор, мусобақа дастурига киритилган волейбол, футбол, баскетбол, кўл тўпи ва бокс бўйича ҳудудий саралаш мусобақалари ўтказилгачгина Наманган шахрига борадиган жамоалар маълум бўлади.



Шу маънода, ўғил болалар ўртасида волейбол мусобақалари Ўргач шахридаги олимпия захиралари спорт коллежидан бўлиб ўтди. Унда плей-офф баҳсларида зафар қўчган Андижон, Навоий, Наманган ҳамда Хоразм вилояти жамоалари якуний мусобақаларда қатнашадиган бўлди.

Навоий шахридаги олимпия захиралари спорт коллежи мезбонлик қилган волейболчи қизлар муҳрабасида эса Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Навоий ва Наманган вилояти жамоалари финал bosқичи йўлланмасига эга бўлди.

Уч bosқичли спорт мусобақалари тақвимида янги киритилган — бокс бўйича сўнгги саралаш беллашувлари Чирчиқ

олимпия захиралари спорт коллежидан бўлиб ўтди. Унда белгиланган вазнлар бўйича Наманган шахрига бориши лозим бўлган 56 нафар спортчи номи аниқланди. Унга кўра, Фарғона вилоятидан энг кўп иштирокчи (7 нафар) Наманганга борадиган бўлди. Шунингдек, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидан бтадан, Наманган ва Самарқанддан бтадан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти ва Тошкент шахридан 4тадан, Андижон ва Сурхондарёдан бтадан, Жиззахдан 2 ўқувчи финал bosқичи йўлланмаси соҳиб бўлди. Бу борада энг паст кўрсаткич бирорта ҳам йўлланмани қўлга кирита олмаган Сирдарё ва 1 та йўлланма билан чекланган Навоий вилояти жамоаларига тегишли.

Баскетбол бўйича ўғил болалар ўртасидаги саралаш баҳслари Самарқанд шахридаги олимпия захиралари спорт коллежидан бўлиб ўтди. Унда ғолиб чиққан Навоий, Самарқанд ва Хоразм вилояти жамоалари Тошкент шахри билан бирга «Баркамол авлод



Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей спорт залида «Баркамол авлод-2014» спорт мусобақалари дастуридан ўрин олган гандбол бўйича ўғил болалар ўртасида саралаш баҳслари ўтказилди.

ҳам жамоадошларимга биров bosқим ўтказгани бор гап. Бироқ қийинчилик билан бўлса ҳам якунда ўз мақсадимизга эришдик. Финал bosқичида мана шундай ирода ва интилишимиз сақланиб қолса, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишимиз мумкин.

Саралаш баҳсининг якуний натижаларига кўра, тўплар нисбати бўйича Самарқанд вилояти жамоаси фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, Наманган, Фарғона ва Андижон вилояти жамоалари ҳам финал bosқичи йўлланмасини қўлга киритди.

— Ҳаётимизда унутилмас из қолдирувчи мазкур саралаш баҳси Самарқандда юксак савияда ўтказилди, — деди фарғоналик ёш спортчи Даврон Алимов. — Айниқса, қўҳна шахарнинг табаррук қадамжолари, тарихий обидаларини зиёрат қилдик, янги дўстлар орттирдик. Тенгдошларимизнинг интилишлари, қизқишлари билан яқинроқ танишдик, ўзаро таъриқ алмашдик. Бу келгуси беллашувларда биз учун муваффақият калити вазифасини ўтаса, ажабмас. Якунда финал bosқичи йўлланмасини қўлга киритганимиздан хурсандимиз. Энди Наманган шахрида ҳам ушбу ғалабали одимимизни давом эттирамиз, деган ниятдамыз.

Кўл тўпи бўйича қизлар ўртасидаги матчлар 3—8 апрель кунлари Самарқанд шахрида ўтказилди. Шундан сўнг «Баркамол авлод-2014» спорт ўйинларининг барча финал иштирокчилари маълум бўлади.

**Зоҳиджон ХОЛОВ,
Ҳасан ЖўРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбирлари**

Shaxmat saboqlari



Сабoқларни FIDE устаси, мураббий Маматқул Хайлаев олиб боради

ЎЙИННИНГ БОШЛАНГИЧ ҚИСМИ ДЕБЮТНИНГ УЧ ҚОЙДАСИ

23-дарс

e2-e4!

Жангни бошлаб берди жасур пиёда, Сафарбар этилди филлар бир ёнда. Шоҳ қанотдан паноҳ топгани замон Учқур от талпинди марказга томон. Жангда иноқ бўлиб лашкарнинг бари Зўр қадам қўйдилар ғалаба сари.

Хўрматли ўқувчи! Сиз бошланғич шахмат қоидалари ва мот қилиш усуллари билан танишиб қиздингиз. Демак, энди сиз шахмат ўйнашни ўрганиб олдингиз. Қизиқarli ва ақлли ўйин — шахматни яхши ўйлаштириш, юқори натижаларга эришиш учун яна нималарга эътибор бериш керак? Ўйин бошида қандай юришлар қилиш лозим? Бу саволлар ҳар бир ҳаваскор шахматчини ўйлантириб қўяди.

Маълумки, ўйин бошида икки томондан ҳам имкониятлар тенг бўлади (7-шахлга қаранг).

Оқ ва қора доналар тенг ҳудудга, симметрик ҳолатга эга бўлади. Тўғри, оқларнинг кичик устунлиги мавжуд. Бу биринчи бўлиб юриш қилиш ҳуқуқидир. Бу устунлик сезиларлими?

Ўйинлар тажрибаси шунини кўрсатадики, қучли усталарнинг учрашувларида оқларнинг устунлиги маълум вақт сезилиб турса-да, бора-бора қоралар ўйинни тенглаштириши мумкин экан. Ғалаба қилувчи томон қайси доналарда ўйнашдан қатъи назар билими, маҳорати туфайли устун келади. Бошловчи шахматчилар ўйин бошида сипоҳларни тезроқ ривожлантиришга ва марказни эгаллашга интилиши лозим.

Ўйин бошига оид бир неча мисолларни кўриб ўтасиз. Юришларнинг тартиб рақамлари оқларнинг юришдан олдин кўрсатиб борилади.

1. e2-e4 e7-e5

Пиёдалар марказда жойлашди ва d5, d4 хоналари назорат остига олинди. Мухими, фарзин ва филлар учун йўл очилди.

2. fad1-h5 ?!

Фарзин қучли сипоҳ. Ҳозир ҳам ҳужумга чиқиб бирийла e5 пиёдасига ва қора шоҳга кўз олайтирмакда. Лекин, қоралар тўғри ҳимояланса, фарзиннинг ҳаракатлари бехуда кетади.

2.... Ob8-c6!

Сипоҳ ўйинга чиқарилди ва бирийла пиёда ҳимоя қилинди. Агар қоралар шошмашошарлик билан 2.... Og8-f6? юриб, фарзинга ҳужум қилганда, пиёда кетарди — 3. fah5:e5

3. fh1-c4

Энди оқлар бирийла мот хавфини солмоқда: 4. fh5:f7x

Қоралар эҳтиёт бўлиши керак. 3.... g7-g6!

Энг яхши ҳимоя қарши ҳужумдир. Бунинг ўрнига қора фарзин e7 хонасига ўтса, филнинг йўлини тўсиб қўяди, f6 хонасига эса отнинг жойини банд қилади.

4. fh5-f3


Қизиққан фарзин мот пайда: нишонда яна f7 пиёдаси. Лекин оқлар фарзини чекиниб бирийла йўқотишга мажбур бўлди. Бехуда юриш — вақт йўқотишдир. Шахматда вақт — юришлар билан ўлчанишини унутманг.

4.... Og8-f6!

Яна яхши юриш қилинди. Ривожлантирилган от f7 хонасини тўсиб қўйди.

5. fah3-b3

Фарзин ўйин бошида учинчи бор юриш қилмоқда. Заруратсиз бундай юришлар ўрнига тезроқ енгил сипоҳлар — от ва филларни ривожлантирган маъқул. Айни вақтда f7 хонаси учинчи бор нишонга олинди. Лекин, қоралар ҳушёр бўлса, бу ҳамлани қайтариш ҳеч гап эмас. Ҳозир фарзини e7 хонасига юриш ҳам мумкин. Чунки қора фил g7 хонасига чиқади. Қораларнинг ихтиёрида яна бирийла — қарши ҳужум бошлаш имконияти бор (62-шахл).



62-шахл

5.... Oc6-d4!

6. fah4-f7 + She8-e7

7. fah3-c4 b7-b5!

Қоралар бу юришдан кейин бирийла сипоҳ ютиб олади. Чунки фарзин филли ҳимоясиз қолдириб кетишга мажбур.

8. fah4-c3 She7-f7

Оқ фарзининг «тузоқлари» иш бермади. Қоралар моддий устунлиққа эришди. Ўйин бошида томонлар учта асосий қоидага амал қилишлари керак. Булардан биринчиси марказни назорат қилишдир.

Кўпинча ўйинлар 1. e2-e4 ёки 1. d2-d4 пиёда суришлари билан бошланади. Бу — марказ учун курашнинг энг яхши йўлларидир. (Шунингдек, баъзан 1. c2-c4 каби бошқа юришлар ҳам тажрибада қўлланилади).


(Давоми бор.)

O' T I S H

B A L L A R I

MENING SHAHRIM. TA'LIM +
YANADA KO'PROQ YANGI TESTLAR!

ABITURIYENT!

SEN O'QISHGA
KIRISHGA TAYYORMISAN?BIOLOGIYA
KIMYO
TARIX
GEOGRAFIYA
ONA TILI
VA ADABIYOTQO'NG'IROQ QIL!
SOTIB OL!
TAYYORLAN!
O'QISHGA KIR!MATEMATIKA
FIZIKA
INGLIZ TILI
NEMIS TILI
FRANSUZ TILI

Guvohnoma №005067-03

(99871) 283-23-79, 283-39-34, www.mg.uz

SHAHARIM

БОЛАНГИЗ РАСМ
ЧИЗАЯПТИ!

Унга қандай кўмак бериш мумкин?

(Давоми. Боши 11-бетда.)

Фарзандининг тасвирий фаолият билан болалик чоғидан жиддий шуғулланишини истакланларга алоҳида ёндашув талаб этилади. Бунинг учун республикамиз мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган тасвирий фаолият машғулотларининг давлат талаблари, дастурлари билан танишиш, мактабгача таълим муассасалари методистлари, тарбиячилари билан ҳамкорликда ишлаш мақсадга мувофиқ. Тасвирий санъат турлари — расм чизиш, аппликация, куриш-ясаш(конструкторлик),

ҳайкалтарошлик бўйича боланинг ёшдан-ёшга ўтган сари малака ошираётганига эътибор бериш зарур. Унутмаслик керакки, мактабга тайёрлов ёшидаги болаларнинг тасвирий фаолияти уларни мактаб таълимига тайёрлашнинг муҳим шаклидир.

Аскарали СУЛАЙМОНОВ,
Қори Ниёзий номидаги
Ўзбекистон педагогика
фанлари илмий-тадқиқот
институтининг
лаборатория мудири,
педагогика фанлари
номзоди,

Зилола СУЛАЙМОНОВА,
республика рассомлик
коллежи ўқитувчиси



Т.КАЙСАРОВ олган сурат.

Ma'rifat

TA'SIS
ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYO-
ROV, Farrux JABBOROV (bosh
muharrirning birinchi o'rinbosari),
Husan NISHONOV (bosh muharrir
o'rinbosari), Farhod RIZAYEV,
Nurlan USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Ўзбекиста-
на"), Mirzakarim XUDDIYEV,
Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib),
Aleksy CHUKARIN (mas'ul kotib,
"Учитель Ўзбекистана"), Sa'dulla
HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. Г-426.
Тиражи 57483.

Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiz
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-
53-14, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 233-56-45, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 233-
54-49, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 233-54-63, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 233-76-40, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir:
Gulyuz ORIFJONOVA.

Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksiadorlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili:
«Buyuz Turon» ko'chasi, 41-uy
1 2 3 5

ЎЗА йқини — 20.35
Topshirildi — 20.45